



O'zbekiston Ovozi

2024-yil
28-avgust, chorshanba
1918-yil
21-iyundan chiqa boshlagan

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasl facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz



ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ!

✓ Сайлов — 2024

ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИ ҚИЗҒИН

янги фикр ва таклифларга бой ўтмоқда



BARCIIAGA G'AMXO'F
DAVLATNING BI



Ҳар бир ўтган кун бизни жамият ҳаётидаги муҳим санага яқинлаштиради. Сайловга қадар 60 кундан камроқ вақт қолди. Ўзбекистон ХДП учун жараёнлар қизғин тус олмақда. Марказий сайлов комиссиясидан сайловда қатнашишга ижозат олингандан сўнг жойларда партиянинг янги Сайловолди дастури лойиҳасини ҳар томонлама такомиллаштириш учун жамоатчилик муҳокамалари ўтмоқда.

Тадбирларда партия аъзолари, ҳудуддаги фаоллар, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, турли тизимдаги мутахассислар, таълим, тиббиёт каби ижтимоий соҳа вакиллари ўз фикр-мулоҳазалари билан фаол қатнашмоқда.

2



Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири,
Ўзбекистон Қаҳрамони:

... "Мустақиллик туфайли қўлга киритилган ютуқларни эслаш ва эслатиш онгу шууримизни тозалайди. Мустақиллик байрами муносабати билан бошланган ишлар 1 сентябрь арафасида бошланиб, сўнг тўхтаб қолмаслиги, доимий равишда давом этиши лозим. Бинобарин, озодлик руҳи ва кайфияти йил 12 ой давом эт-

син. Содда қилиб айтганда, миллий ғурур ва озодлик туйғуларини одамлар қалбига сингдириш усуллари қуруқ гап ва расмиячиликдан холи бўлиши керак. Шунинг учун салқин кабинетларда жон сақламасдан юракка яқин ва дангал фикрлар билан халқ ичига кириб боришимиз ҳамда эзгу ниятларни, ғоя-туйғуларни тушунтириб беришимиз зарур. Шiorбозлик ва баландпарвоз гаплар ҳеч нарса бермайди. Керак бўлса, биз мустақиллик ғоясини гўдрам қулоғига азондек қуйишимиз керак. У она алласи бўлиб фарзандларимиз вужудига кирсин. Қачонки, истиқлол деганда юракларимиз ҳапқириб, тўлқинланиб кетса ва кучимизга куч қўшилса, биз бир бутун енгилмас халққа айланамиз."

✓ Эътироф

ЯХШИЛИКНИНГ МУКОФОТИ ЯХШИЛИҚДИР!

Бугун Ўзбекистон катта бунёдкорлик, яратувчанлик майдонига айланган. Меҳнат руҳи, Ватан равнақида дахлдорлик туйғуси халқимиз онгу шууридан чуқур жой олмақда.

Обрў, ҳурмат-эътибор ўз-ўзидан келмайди. Элу юрт манфаатлари йўлида хизмат қилиш, ҳалол меҳнат ва тўкилган пешона терининг мукофоти бўлади, албатта. Айниқса, халқпарвар, юртпарвар инсонларнинг хизматлари давлат мукофоти даражасида эътироф этилса, эҳтиромга муносиб топилса, бу икки ҳисса бахтдир. Зотан, яхшилиқнинг мукофоти яхшилиқдир!

3 САҲИФАДА

✓ Фестиваль

ЭЗГУ ДАЪВАТ



Кузнинг салқин эпкинлари сезила бошлаган август оқшоми. Бундай паллада янада эртакнамо кўриниш касб этадиган муаззам шаҳар – Самарқанднинг юлдузли осмони остида яна дилга ҳузур бағишловчи наволар, ҳаётбахш оҳанглар янграмоқда. Кўҳна кент яна бир жаҳон санъат байрамига мезбонлик қилмоқда. Азалдан маърифат ва маданият бешиги бўлган азим Самарқанднинг ташриф қоғозларидан бирига айланган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали яна бутун дунёдан санъатга ошuftа инсонларни, илм аҳлини бир жойга жамлади.

4 САҲИФАДА

✓ Мунозара мавзуси

Донни аяган донга етар

"Даромадингиздан харажатингиз кам бўлса, фалсафа тоши қўлингизда экан", дейди америкалик машҳур олим ва давлат арбоби Бенжамин Франклин. Неча минг йиллик давомида кўп синовларни бошидан ўтказган халқимизда эса "Донни аяган донга етар, нонни аяган нонга", деган ҳикмат бор.

Тежамкорлик, камтарлик, бир сўз билан айтганда, иқтисодий маданиятнинг тоши қанчалик тарози босишига ишора қилувчи бу сўзларнинг кадр-қиймати бугунга келиб янада ортган. Жумладан, дунё бўйлаб оқибатини олдиндан айтиш мушкул бўлган мураккаб жараёнлар иқтисодиётга жиддий таъсир ўтказётган, ҳар бир давлат ва жамият учун маблағ топиш, жамғариш, кўпайтириш тобора қийин бўлиб бораётган ҳозирги шароитда бюджетдан самарали фойдаланиш, тежамкорлик ва аниқлик ҳар қачонгидан долзарб тус олган.

5 САҲИФАДА

Мустақиллик ҳар биримиздан куч олади

Шиддат билан ўзгараётган дунёда мустақиллик, тил, маданият масаласи ўта долзарб ижтимоий ва сиёсий муаммо саналади. Ҳозирги вақтда жаҳонда турли миллат ва элатлар 7164 тилда сўзлашсаларда, уларнинг фақат 0,2 фоизигина, яъни, 246 миллат ўз миллий давлатчилигига эга экан. Муайян давлат доирасида ўз миллий мақоми, тили, маданияти ва ҳудудини институционал тарзда расмийлаштирган 37 халқ ва элатлар мавжуд экан.

Шунинг учун ҳам Мустақиллик Ўзбекистонимизда энг азиз, энг тотли, катта тантаналарга муносиб байрам ҳисобланади.

7

SAYLOV – 2024

ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИ ҚИЗГИН янги фикр ва таклифларга бой ўтмоқда

Ҳар бир ўтган кун бизни жамият ҳаётидаги муҳим санага яқинлаштирмоқда. Сайловга қадар 60 кундан камроқ вақт қолди. Ўзбекистон ХДП учун жараёнлар қизгин тус олмақда. Марказий сайлов комиссиясидан сайловда қатнашишга ижозат олингандан сўнг жойларда партиянинг янги Сайловдаги дастури лойиҳасини ҳар томонлама такомиллаштириш учун жамоатчилик муҳокамалари ўтмоқда.

Тадбирларда партия аъзолари, ҳудуддаги фаоллар, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, турли тизимдаги мутахассислар, таълим, тиббиёт каби ижтимоий соҳа вакиллари ўз фикр-мулоҳазалари билан фаол қатнашмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятидаги мулоқотларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Улуғбек Иноятов йиғилганларни янги Сайловдаги дастури лойиҳаси концепцияси билан таништирди.

Таъкидланганидек, партия ўз дастурий ҳужжатини ижтимоий адолат ва тенглик, ижтимоий бирдамлик, ижтимоий демократия ғояларига асосланган ҳолда ижтимоий демократик давлатни барпо этиш мақсадидан келиб чиқиб шакллантирмоқда. Дастурда кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, арзон уй-жой ва сифатли коммунал хизматлар кўрсатиш, малакали тиббий хизмат, мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш каби 10 та йўналишда 100 га яқин мақсад белгилаб олинмоқда.

Мисол учун, кам даромадли фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокатура ва юридик хизматларнинг ижтимоий мақбулликни таъминлаш, бепул маслаҳат берадиган "юридик клиника"лар тармоғини ривожлантиришга урғу берилаётгани ҳаётий зарурат эканлиги таъкидланди.

Дастурда, шунингдек, ижтимоий ҳаётимиздаги муаммоларнинг конкрет ечимлари акс эттирилаётгани бўлиб, банклар таклиф этаётган кредит механизмлари ижтимоий адолат принциплариغا мувофиқ бўлишига эътибор қаратилаётган. Ипотeka кредити тўлови бўйича қарздорлик юзга келганлиги сабабли гаровга қўйилган кўчмас мулкни фуқарога ўзига қулай нархда сотиш имконини бериш масаласи ҳам ижтимоий адолат тамойилларига мос ва ҳос бўлиши қайд этилди.

Дастур лойиҳасида ўрин олган пенсия тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматларини кўрсатиш ёки жарима бўйича тўшумларни тўлиқликча давлат бюджетига йўналтириш, маҳаллий инвесторларни қўллаб-қувватлаш ва уларга хорижий инвесторлар билан бир хил имтиёзлар бериш каби масалалар принципал аҳамиятга эга.

Қатнашчилар партиянинг янги Сайловдаги дастурига киритиш режалаштирилаётган ғоя ва ташаббуслар билан батафсил танишар экан, уларда халқ манфаатлари нуктаи назардан ёндашилгани, мамлакатда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга йўналтирилгани ҳар томонлама маъқулланди.

Муҳокамада иштирокчилар соғлиқни сақлаш, сифатли коммунал хизматларни йўлга қўйиш, бандликни таъминлаш бўйича фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдиришди.

Назира МАТЁҚУБОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
Жўқорги Кенгесидagi Ўзбекистон
ХДП фракцияси аъзоси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист:

— Партияимиз Сайловдаги дастури лойиҳаси концепцияси билан яқиндан танишдик, хурсанд бўлдик. Ғояларимизнинг ўзига хослиги ва менга маъқул тарафлари шундаки, ҳаммаси инсонларнинг фаровон яшаши, давлат фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиши, барча бирдек таълим олиш ҳуқуқига эга бў-



лишига қаратилганида.

Лойиҳада ҳам мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантиришга, ижтимоий тенглик, ижтимоий адолатни кафолатлашга қаратилган кўплаб ҳалқчил таклиф-ташаббуслар бор эканлиги гувоҳ бўлдим.

Масалан, адолатли давлат пенсия таъминоти тизимини жорий қилиш масаласи кўпчиликка маъқул бўлди. Масалан, ҳозир солиқларни ўз вақтида тўлаб, давлат қонун қоидалари асосида ишлаган инсон келажақда муносиб пенсия олиши кафолатланиши билан боғлиқ масалалар қамраб олинган.

Узоқ йиллар олдин собиқ жамоа ҳўжалиги ва ширкат ҳўжалигида меҳнат фаолиятини юритган фуқароларнинг ана шу меҳнат даврларини пенсия тайинлашда тўлиқ йил сифатида инобатга олиш ташаббусини олайлик. Бу адолатдан бўлади. Ёки пенсияга чиқиб, камида беш йил ишлаган ва бу вақтда даромад солиғини, ижтимоий солиқни тўлаган пенсионерлар учун муқаддам тайинланган пенсияни қайта ҳисоблаб, оширилган миқдорда тайинлаш ҳам жуда яхши таклиф.

Сайловдаги дастури муҳокамаси қизиқарли, баҳс-мунозараларга бой тарзда кечди. Аслида мана шундай муҳокамалар чоғида зўр ғоялар тўғилади. Биз ҳам ўз таклифларимизни бердик.

Алишер ЖАНЗАКОВ,
Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят
кенгаши раиси ўринбосари:

— Сайловлар – йирик демократик жараён. Чунки унда юртимизнинг, халқимизнинг келажағи ҳақида янги ғоя, ташаббуслар, таклифлар илгари сурилади. Сайловчилар учун ҳам партиялар ғояларидан хабардор бўлиб, улардан бирини танлаш имконияти пайдо бўлади. Шу жиҳатдан фуқаролар сайлов билан боғлиқ барча жараёнлардаги ҳар бир босқичда фаол бўлиши, ўз келажағига бефарқ эмаслигини кўрсатиши лозим.

Дастур лойиҳаси муҳокамаларида бевосита қатнашдик. Ишонч билан айтиш мумкинки, лойиҳада жамиятимиз, халқимиз келажағига дахлдор кўплаб масалалар илгари сурилмоқда.

Масалан, интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали даромад топаётганлардан ҳам ҳамма қатори даромад солиғини олишни йўлга қўйиш таклифини олайлик. Бу адолатли, деб ўйлайман. Чунки жамиятдаги қонун-қоидалар ҳам, ҳуқуқлар ҳам тенг бўлиши лозим.

Ҳаммага маълумки, ишлаб даромад топаётган ҳар бир шахс мамлакат бюджетига учун даромад солиғини тўлайди. Бу бутун дунёда йўлга қўйилган узоқ йиллик механизм. Бу тўғри тизим. Сабаби, биз тўлаётган солиқлардан давлат бюджетини шакллантирилади. Ижтимоий соҳа, мактаблар, таълим, тиббиёт сингари соҳалар молиялаштирилади.

Шундай экан, нега чекка кишлоқларда фарзандларимизга таълим бераётган ўқитувчилар, соғлигимизга масъул шифокорлар даромад солиғи тўлаётгани-ю, аммо интернет

ва ижтимоий тармоқлар орқали даромад топаётганлар деярли солиқ тўламапти? Бу ижтимоий адолат тамойилларига тўғри келмайди.

Мен ижтимоий тенглик, ижтимоий адолат тарафдориман. Шу сабабли ҳам дастур лойиҳасидаги аксарият бандлар менга маъқул. Муҳокама вақтида яна асосли таклифлар билдирилди. Ўйлайманки, бу таклифлар ҳам Сайловдаги дастурдан ўрин олади.

Шўҳрат ТЕШАЕВ,
Бухоро давлат тиббиёт институти
ректори, Ўзбекистон ХДП аъзоси:

— Партия Сайловдаги дастурини тасдиқлашдан аввал жамоатчилик муҳокамасига қўйилгани жуда яхши бўлибди. Бу сайловчиларга имконият демакдир. Улар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олибгина қолмасдан, таклифлари ва дастур лойиҳаси ҳақидаги эътирозларини ҳам билдириши мумкин. Халқ демократик партияси узоқ йиллик тарихга эга. Доим сайловларда яхши натижаларга эришиб келган. Таклифлари, ташаббуслари, ғоялари ҳар бир инсоннинг янада фаровон яшашига қаратилган.

Сайловдаги дастури лойиҳаси муҳокамасида ҳам халқчил таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Ижтимоий адолат, ижтимоий тенглик тамойиллари, барча учун тенг имкониятлар, оғир ижтимоий шароитларга тушиб қолган инсонларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, иш билан таъминланиши, сифатли коммунал хизматлари кўрсатиши, адолатли пенсия тизимини йўлга қўйиш сингари таклифлар кўпчиликка маъқул бўлди.

Бундан ташқари, йўллардаги таъмирлаш ишлари ва уларнинг даврийлиги ҳақида фуқароларни хабардор қилиш масаласи ҳам қизиқ. Бу ҳақида камида 10 кун олдин ушбу ҳудудда яшовчи аҳолини огоҳлантириш ҳамда интернет тармоғида эълон жойлаштириш меъерини жорий қилиш таклиф қилинган. Албатта, яхши таклиф. Эрталаб ишга кетаётганда ёки кечки пайт ишдан қайтаётганда одатда юрадиган йўлимизда таъмирлаш ишлари кетаётган бўлса, яхшигина ноқулайлик келтириб чиқаради. Хабардорлик бўлса, тирбандликлар ва авто аварияларнинг олдини олиш имкони ҳам ошади.

Яна бир масалани ҳам айтмасам бўлмайди. Бу фармацевтика тизимини назоратни кучайтириш билан боғлиқдир. Яъни, "Дори-дармонлар ва тиббий воситалар нархларини давлат томонидан тартибга солиш тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш ташаббуси бу борада жуда ўринли ва керак бўлган чора, деб ўйлайман.

Чунки бирор ким шамолласа ёки бошқа турдаги касалликка чалинса, шифокор кўригига бормай, телевизорда кўрган рекламадаги дорилардан сотиб олади. Унинг зарарини ҳисобга олмайди. Эҳтимол, дорилар ҳаддан зиёд кўп бўлганлиги туфайли ҳам шундай-дир. Шу сабабли фармацевтика бозорини қонун билан тартибга солиш тўғри ечим бўлади.

Шахзодбек ЕТМИШБОЕВ,
Рақамли технологиялар
ва сунъий интеллектни
ривожлантириш илмий-
тадқиқот институти
Касаба уюшмаси раиси:

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси узоқ йиллардан буён аҳоли турмуш даражасини ошириш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси каби мақсадларни кўзлаб ўз дастурларини ишлаб чиқади.

Муҳокамада иштирок этдим ва кўплаб яхши таклифлар, ташаббусларни тингладим. Айта оламанки, йиғилганларда аксарият масалалар қизиқ, ишонч уйғотди.

Масалан, иқтисодиётда давлатнинг фаол роли ва иштирокини, стратегик аҳамиятга эга компаниялар устидан давлат назоратини сақлаб қолиш, уларни хусусийлаштиришни қонун даражасида тақиқлаш таклифини олайлик.

Назаримда, иқтисодиётда давлатнинг фаол роли ҳамisha бўлиши керак. Бу мамлакат манфаатлари билан бир қаторда оддий фуқаролар, ишчилар ҳақ-ҳуқуқлари муҳофаза қилинишида ҳам муҳим ўрин тутаети. Йирик компаниялар, корхоналар раҳбарлари фақат шахсий даромад орттириши ҳақида ўйлашига йўл қўйилмайди. Давлат томонидан назорат бўлганидан кейин ҳар бир қўяётган қадамни ҳар томонлама ўйлаб, халқ билан ҳам ҳисоблашиб кейин қўяди. Шунингдек, стратегик аҳамиятга эга компанияларни хусусийлаштиришни қонун даражасида тақиқлаш таклифи ҳақида ҳам худди шу фикрларни айтиш мумкин. Умуман мамлакатда, жамиятда қилинаётган ҳар бир ишда давлатнинг фаол иштироки бўлиши шарт.

Сайловдаги дастурида бу каби халқчил ташаббуслар оз эмас. Муҳокамаларда қўшимча таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Барчани мана шу каби жамоатчилик муҳокамаларида фаол қатнашишга чақириб қоламан. Чунки дастурлар орқали мамлакатимиз, жамиятимиз келажағи ҳал бўлади, ўзгаради.

Партиянинг Сайловдаги дастури муҳокамасига бағишланган учрашувлар Сирдарё вилоятида ҳам кўтаринки кайфиятда ўтди. Мулоқотда вилоятдаги туман ва шаҳарлар сайловчилари, талабалар, ёшлар, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия фаоллари иштирок этди.

Мулоқотда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Улуғбек Вафоев сўзга чиқиб, йиғилганларни янги Сайловдаги дастури лойиҳаси концепцияси билан таништирди. Қашқадарё вилоятида бўлиб ўтган муҳокамаларда иштирокчилар саволларига партия Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Мақсуда Ворисова атрофлича жавоб қайтарди. Янги Сайловдаги дастури лойиҳасининг концепцияси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди. Шунингдек, янги ташаббуслар, ғоялар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Наманган вилоятида бўлиб ўтган мулоқотда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Фирдавс Шарипов иштирок этди. У йиғилганларни Сайловдаги дастурининг лойиҳаси билан таништирар экан, энг устувор жиҳатларга эътибор қаратди.

Ҳар бир йўналиш жамоатчилик фикри, ҳудудларда олинган таклифлар ва аҳоли мурожаатлари мазмунидан келиб чиқиб шакллантирилганини таъкидлади. Ўз навбатида, мулоқот қатнашчиларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари билан ҳам қизиқди. Билдирилган таклифлар дастурини қайта ишлашда фойдаланилишини қайд этди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон ХДП Ахборот хизмати
раҳбари.



E TIROF

БУГУН ЎЗБЕКИСТОН КАТТА БУНЁДҚОРЛИК, ЯРАТУВЧАНЛИК МАЙДОНИГА АЙЛАНГАН. МЕХНАТ РУҲИ, ВАТАН РАВНАҚИГА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ ХАЛҚИМИЗ ОНГУ ШУУРИДАН ЧУҚУР ЖОЙ ОЛМОҚДА.

ОБРЎ, ҲУРМАТ-ЭЪТИБОР ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛМАЙДИ. ЭЛУ ЮРТ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ, ҲАЛОЛ МЕХНАТ ВА ТЎКИЛГАН ПЕШОНА ТЕРИНИНГ МУКОФОТИ БЎЛАДИ, АЛБАТТА. АЙНИҚСА, ХАЛҚПАРВАР, ЮРТПАРВАР ИНСОНЛАРНИНГ ХИЗМАТЛАРИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ ДАРАЖАСИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛСА, ЭЪТИРОМГА МУНОСИБ ТОПИЛСА, БУ ИККИ ҲИССА БАХТДИР. ЗОТАН, ЯХШИЛИКНИНГ МУКОФОТИ ЯХШИЛИКДИР!

ШУ КУНЛАРДА ДАВЛАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ 33 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИГА БИНОАН ТУРЛИ СОҲА ВАКИЛЛАРИ ЮКСАК ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАР БИЛАН ТАҚДИРЛАНМОҚДА. УЛАР ОРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ЖОНКУЯР ҲАМДА ФАОЛ АЪЗОЛАРИ, СЕНАТОР ВА ДЕПУТАТЛАР ҲАМ БОРЛИГИ ҚУВОНАРЛИ.

ПАРТИЯДОШЛАРИМИЗНИ МУКОФОТЛАР БИЛАН ТАБРИКЛАШ АСНОСИДА УЛАРНИНГ ҲАЯЖОНЛАРИГА, ҚАЛБ КЕЧИНМАЛАРИГА ШЕРИК БЎЛДИК.

ЯХШИЛИКНИНГ МУКОФОТИ ЯХШИЛИКДИР!

мустақиллигимизнинг 33 йиллиги билан табриклайман. Ватанимизга, юксалаётган юртимизга, халқимизга кўз тегмасин!

бефарқ бўлмаслик, уларнинг такомиллашувига бироз бўлса-да ҳисса қўшиш биз, депутатлар учун ҳам фарз, ҳам қарз, деб биламан.

Халқимизнинг толеи доим баланд бўлсин. Мустақиллигимизни муносиб ва юксак натижалар билан нишонлаш ҳаммага насиб этсин!



Ойистахон МИРЗАЕВА,
Ўзбекистон ХДП Избоскан туман Кенгаши депутати, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган кишлоқ хўжалиги ходими» фахрий унвони соҳибаси:

– Мен жуда-жуда бахтлиман! Шундай тинч, фаровон мамлакатда яшашнинг ўзи чинакам саодат. Фарзандлар бағрида соғ-саломат юриш, оилада, эл-юртда азиз бўлиш, ҳалол меҳнатининг кадрини кўриш кишини бошқача тўлқинлантириб юборади.

Дехқончилик ота-боболаримдан мерос. Токи ерга қор тушгунча ҳосил олиш имкони бор. Бу беназир иқомият, ундан самарали фойдаланиш, табиат неъматини борида қадрлаш керак”, деб отам кўп ўқтиради эди. Шундай муҳитда мен ҳам ёшликдан ерга меҳр бердим, ер билан тиллашдим.

Кишлоқ хўжалигида осон йилнинг ўзи бўлмайди. Табиат инжиқликлари, сув ресурслари чеклангани каби машаққатлар фермердан катта азму шижоат, миришкорлик ва тажриба талаб этади. Аммо меҳнат қилган одам кам бўлмайди, ҳаракатда баракат, дейишади-ку.

20 йилдан бери “Гулзор пари” фермер хўжалиги раҳбариман. Пахта, ғалла ва сабзавотлар етиштираман. Даромадимиз яхши, ўзимиздан ортиб, эҳтиёжмандларга, фермер хўжалигимиздаги ишчиларимизга ҳам ёрдам бериб келамиз. Шўкрки, топганимизда барака бор, йилдан-йилга ҳосилимиз ёмон эмас, даромадимиз ҳам яхши.

Ҳозир 150 гектар еримиз, юз нафар ишимиз бор. Тонг сахардан далага чиқиб кетаман. Бир куним йўқки, далага чиқмаган, ҳосилни кўздан кечирмаган бўлсам...

Мен Халқ демократик партияси аъзосиман, партиядан туман Кенгашига депутат бўлиб сайланганман. Узоқ йиллар партия тизимида ҳам меҳнат қилдим. Ҳозир ҳам унинг бир бўлаги сифатида ишимни давом эттиряпман. Бундан фахрланаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Янги Ўзбекистонни барпо этишда фидокорона меҳнат қилиб келаётган барча юртдошларимизни



Муқаддас ЎРОЗАЛИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси, «Дўстлик» ордени соҳибаси:

– Зомин туманидаги сайловчиларнинг мурожаатини ўрганиш ташвиши билан юрган эдим. Йўлдалигимда таниш-билишлар, дўстлар, қариндошлардан бирин-кетин кўнғироқлар бўла бошлади. Бари “Орден муборак, мукофот қутлуғ бўлсин”, дер эди.

Кун бўйи мурожаатлар билан юриб, янгиликларни ўқишга улгурмагандим. Ишларимни тугатишим билан давлатимиз раҳбарининг Фармони кўрдим. Мукофотланганлар қаторида исм-шарифимни ўқиб, тўғриси, куни билан йиғилган чарчоклар бир зумда тарқади. Меҳнатнинг қадри, эътибор ва аъзознинг завқи бошқача бўлади. Хурсандчилигимни оила аъзоларим билан бўлишдим.

Камтарона меҳнатимизнинг давлатимиз раҳбари, халқимиз томонидан эътироф этилиши янада шижоат кўрсатиб ишлашга илҳомлантирмоқда. Зотан, рағбат инсонни янги марралар, ташаббуслар сари чорлайди.

Лекин бу мукофот берилгандан кейин ҳаяжон билан бирга ўзимда жавобгарлик, масъулият янада ошганини ҳам дилдан ҳис қиляпман. Режалар тузаяпман, олдимга янада катта мақсадларни қўйяпман.

Бизнинг олдимизда турган асосий вазифалардан бири халқимизнинг оғирини енгил қилиш, ижтимоий ҳаётдаги муаммоларни вақтида ва самарали ҳал этишдан иборат. Бунинг учун сайловчилар билан тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйиш, мурожаатларни қонуний ва ўз вақтида кўриб чиқишлигини таъминлашга қаратилган тизим амалда тўла ўзини оқламоқда.

Умуман олганда, аҳоли турмуш даражасини ошириш билан боғлиқ ислохотларга



Анвар ТҮЙЧИЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси, халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши депутати, “Содиқ хизматлари учун” медали соҳибаси:

– Президентимизнинг бир гуруҳ юртдошларимизни мукофотлаш тўғрисидаги Фармони танишлардан кимдир чиқармикин, деган хаёл билан ўқий бошладим. Қарасам, рўйхатда ўзимнинг ҳам исм-фамилиям турибди. Ўша лаҳзадаги ҳаяжон ва қувончимни таърифлаб беролмайман.

Эътибор берсангиз, сўнги пайтларда катта-кичик раҳбарлар, барча ташкилотларга биринчи навбатда одамларни рози қилиш вазифаси топширилди. Бир пайтлар маҳаллага қадами тегмаган мансабдорлар ҳам, кунини кабинетда, иш столидан нарига ўтмай ўтказган идоралар раҳбарлари ҳам ҳозир маҳаллаларга кириб борапти, одамлар билан мулоқот қиляпти. Юртдошларимиз давлат идоралари олдида сарсон бўлишдан қутулди. Пенсия ва нафақалар олишдаги навбат кутишлар, нақд пул етишмовчилиги-ю турли бюрократик тўсиқлар барҳам топди. Ҳудудларда аҳоли эътирозларига сабаб бўлиб, йиллар давомида ечимини кутган муаммолар бирин-кетин ҳал бўлмоқда. Шунинг учун бугун одамларимизда ҳаётга қараш ўзгарган, ислохотларга бефарқ эмас.

Шуниси аниқки, халқимизни рози қилиш йўлидаги кенг қамровли ислохотларнинг фаол иштирокчиси бўлиш биз, депутатлар зиммасига улкан шараф ва масъулият юклайди.



Рамазон РУСТАМОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Навоий вилоят Фахрийлар кенгаши раиси, “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони соҳибаси:

– Қарийб 40 йил Марказий банкнинг Навоий вилояти бош бошқармасида ишладим. Энг мамнун бўлганим шуки, одамларни рози қилишни ўргандим.

2016 йилдан буён нафақадан. Аммо жамоатчилик ишларидан, меҳнатдан, халқ хизматида тўхтаганим йўқ. Жамоатчилик асосида Марказий банк вилоят бош бошқармасининг “Нуронийлар кенгаши” раҳбари, Халқ демократик партияси Навоий вилоят кенгаши Фахрийлар кенгаши раиси, инсон ҳуқуқлари “Эзгулик” жамияти вилоят бўлими бошлиғи сифатида хайрли ишларга баҳоли қудрат бош қўшиб келяпман.

Куни кеча Халқ демократик партияси Навоий вилоят Кенгашидан кўнғироқ бўлди, мукофот билан табрикларди. Яқинларим, танишларим ва ҳамкасбларимнинг қутловлари, табриклари ҳалиям узилгани йўқ. Эътироф ва эътибордан бошим кўкка етди. Чунки озми-кўпми меҳнатингиз юксак даражада эътироф этилса, мамнуният, миннатдорлик ҳислари қалбингизни эгаллаб олар экан.

Партиямиз ташкил топган илк йиллардан буён унга аъзосман. Ўтган йиллар давомида унинг ғоялари, дастурий мақсадларини тарғиб қилишда фаол иштирок этдим. Меҳнатдан эътироф, эътибор топишнинг завқи бошқача бўлар экан.

Билдирилган ишонч ҳамда эътибордан куч олиб, халққа хизмат қилиш йўлида давом этаман.

Мана шундай умидбахш кайфиятда халқимизни, сайловчиларимизни, электротартиб вакилларини энг улуг, энг азиз байрамимиз билан чин дилдан қутлаймиз.

“Ўзбекистон овози” мухбири
Лазиза ШЕРОВА ёзиб олди.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК, АЗИЗ ПАРТИЯДОШЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йиллиги муносабати билан Президент Фармонига асосан давлат мукофоти билан тақдирланганлар орасида қуйидаги партиядошларимиз ҳам бор:

1. Каримов Пулат Абдирахманович, Беруний туманидаги «Ақром» фермер хўжалиги раҳбари, “Шухрат” медали;

2. Сапарова Раихан Халмуратовна, Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри фахрий артисти, хонанда, «Меҳнат шухрати» ордени;

3. Жабборова Ўғилхон Мухтаралиевна, Олтинкўл тумани «Сафаробод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, туман кенгаши депутати, “Эл-юрт ҳурмати” ордени;

4. Ахмедов Илҳомжон Иминович, Бўстон тумани “Меҳнатобод” МФЙ раиси, “Дўстлик” ордени;

5. Останов Раззоқ Маризаевич, “Аму-Бухоро” машина каналдан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвони;

6. Ҳамроев Отабек Халилович, Жондор туманидаги «Ушот» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Жасорат» медали;

7. Қаландаров Даниёр Бобақозақович, Бахмал туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директори, “Эл-юрт ҳурмати” ордени;

8. Қодиров Бахтиёр Абдусаломович, Мингбулоқ туманидаги «Бахтиёр Абдусаломович»

фермер хўжалиги бошлиғи, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвони;

9. Лукманов Анвархужа Акрамович, Наманган тумани солиқ инспекциясининг «Паст қиёт» ва «Тепла қиёт» маҳаллаларига бириктирилган давлат солиқ бош инспектори, «Шухрат» медали;

10. Абдиева Ойсулук Абдирахмоновна, Муборак туманидаги “Геолог” маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, “Дўстлик” ордени;

11. Қурбонов Илхом Узакович, Қарши магистрал каналдан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор” фахрий унвони.

FESTIVAL



ЭЗГУ ДАЪВАТ

КУЗНИНГ САЛҚИН ЭПКИНЛАРИ СЕЗИЛА БОШЛАГАН АВГУСТ ОҚШОМИ. БУНДАЙ ПАЛЛАДА ЯНАДА ЭРТАКНАМО КЎРИНИШ КАСБ ЭТАДИГАН МУАЗЗАМ ШАХАР – САМАРҚАНДНИНГ ЮЛДУЗЛИ ОСМОНИ ОСТИДА ЯНА ДИЛГА ХУЗУР БАҒИШЛОВЧИ НАВОЛАР, ҲАЁТБАХШ ОҲАНГЛАР ЯНГРАМОҚДА. КЎНА КЕНТ ЯНА БИР ҲАҲОН САНЪАТ БАЙРАМИГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛМОҚДА. АЗАЛДАН МАЪРИФАТ ВА МАДАНИЯТ БЕШИГИ БЎЛГАН АЗИМ САМАРҚАНДНИНГ ТАШРИФ ҚОҒОЗЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНГАН "ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ" ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ ЯНА БУТУН ДУНЁДАН САНЪАТГА ОШУФТА ИНСОНЛАРНИ, ИЛМ АҲЛИНИ БИР ЖОЙГА ЖАМЛАДИ. ШУ ЙИЛНИНГ 26 АВГУСТ КУНИ "ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ" ЎН УЧИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ ВА УНДА ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Таъкидлаш ўринлики, пандемия туфайли юзага келган қисқа танаффусдан сўнг ўтказилаётган мазкур санъат байрамига ҳар қачонгидан ҳам юксак даражада тайёргарлик кўрилди. Дунёнинг саксонга яқин давлатларидан 400 нафардан зиёд санъаткор ва олимлар, ЮНЕСКО, ТУРКСОЙ, Туркий маданият ва мерос фонди, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва бошқа ташкилотлардан фахрий меҳмонлар ташриф буюрди. Ваҳоланки, бундан 27 йил олдин ташкил этилган ушбу фестивал-

да дастлаб 31 та мамлакат вакиллари қатнашган эди. Шунинг ўзидек, давлатимиз раҳбари айтиб ўтганидек, "Шарқ тароналари" моҳият эътиборига кўра, "Жаҳон тароналари" фестивалига айланганидан далолат беради. Жаҳон аҳлининг ўзаро маданий мулоқоти воситаси, муסיқий қадриятлар анжумани сифатида эътироф этилаётган мазкур фестивал дунё миқёсида чинакам иқтидорли ёшларни, маҳоратли хонанда ва созандаларни кашф этиб, уларнинг ижодий парвозига куч ҳамда рағбат

бағишлаётгани яна бир эътиборли жиҳатдир. Инсоният бугун оғир синовларни бошдан ўтказмоқда. Дунё геосиёсий манзараси ўзгараётган, турли мамлакатлар ўртасида қарама-қаршилик, ишончсизлик муҳити кучайиб бораётган, янада ачинарлиси, маънавий таназул кўплаб жамиятларни боши берк кўчага олиб қираётган ҳозирги замонда умуминсоний қадриятларни асраш ва келажак авлодга мерос қилиб қолдириш мушкул вазифа ҳисобланмоқда.

– Мана шундай мураккаб вазиятда илоҳий сарчашмалардан қувват олиб, вақт ва макон чегаралари оша гуманистик идеалларни тараннум этадиган асл санъат, муסיқа ва адабиёт халоскор куч бўлиб майдонга чиқиши зарур, – деди Президентимиз фестивалнинг очилиш маросимида.

Шу маънода "Шарқ тароналари" халқаро муסיқа фестивали ҳам бошқа ўйлаб халқаро маданий тадбирлар қаторида Ўзбекистоннинг жаҳон аҳлини тинчлик-тотувликка, қардошлик ва аҳилликка чақирадиган эзгу даъвати экани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзи давомида мовий гумбазлар кўкка бўй чўзган, афсонавий Регистон майдонида мағрур ҳилпираб турган турли давлатларнинг байроқларига диққат

қаратди. Улар ифода этадиган ранглар жи-лоси ва гармонияси, шунингдек, фестивалда янграйдиган куй ва кўшиқлар қалбимиздаги олижаноб орзу-интилишлар билан уйғун ва ҳамоҳанглиги, шунинг ўзи ҳам инсониятнинг асли ва насли бирлигидан далил эканига урғу берди.

Тинчликсевар, оққўнғил ва бағрикенг халқимиз азалдан санъатни, айниқса, муסיқани инсон камолотида муҳим деб ҳисоблаган. Яқин-яқингача деярли ҳар бир уй тўрида бирорта муסיқа чолғуси осиглиқ турганини, оилада фарзандлар ҳечқурса битта муסיқий асбобни чалишни билганини яхши эслаймиз. Глобал технологик ютуқларнинг кундалик ҳаётимизга кириб келиши, қарашлар ва маънавий эҳтиёжларнинг ўзгариши билан бу анъана тобора ўтмиш қаърига сингиб бораётгандек, назаримизда. Мана шундай вазиятда инсон руҳининг илоҳий қуввати, том маънода эзгулик манбаи бўлган, бадиий дид ва эстетикани шакллантиришга хизмат қиладиган муסיқа илмини ўсиб келаётган ёшларимизга чуқур синдириш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. ЮНЕСКО шафелигида ўтказилаётган "Шарқ тароналари" сингари йирик халқаро маданий тадбирларнинг шу жиҳатдан аҳамияти беқиёс.

Айни зарурат нуқтаи назаридан "Шарқ тароналари" фестивали тарихи ва анъаналарини, Шарқнинг бой ва ранг-баранг муסיқий маданиятига доир маълумотларни ўзида муҳасам этадиган алоҳида энциклопедия ва унинг виртуал шакли – кўп тармоқли ахборот платформасини яратишнинг чиндан ҳам вақти келди. Фестивалнинг халқаро "Дўстлар клуби"ни ташкил этиш, шунингдек, фестиваль ғолиб ва совриндорлари иштирокида дунё мамлакатларининг нуфузли сахналарида катта концерт дастурларини намойиш қилиш таклифлари жаҳон афкор оммасини бефарқ қолдирмаслиги тайин.

Шундай қилиб, 27-29 август кунлари халқаро муסיқа фестивали доирасида танловда иштирокчиларнинг чиқишлари халқаро ҳайъат томонидан баҳолаб борилади. 30 август куни фестиваль ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими ҳамда улар иштирокида концерт дастури намойиш этилиши кутилмоқда.

Анъанага кўра, фестиваль давомида "Шарқ халқлари муסיқа маданияти: глобаллашув жараёнларида ижодий уйғунлашув тамойиллари" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилади. Муסיқашунос олимлар, илмий-тадқиқот марказлари олимлари, муסיқа йўналишидаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳамда тадқиқотчилар иштирок этадиган бу йилги конференция уч шўъбага бўлинган ҳолда иш олиб боради. Шўъба мажлисларида миллий мумтоз наволар, мақом намуналари ва халқимизнинг дурдона асарлари таниқли санъаткорлар томонидан жонли ижро этилиб, маҳорат сабоқлари ўтилади. Шунингдек, конференция доирасида илк бор Туркий давлатлар ташкилоти қошидаги Турк дунёси санъат ва муסיқа университетлари иттифоқининг йиғилишини ўтказиш кўзда тутилмоқда. 2022 йилда ташкил этилган мазкур иттифоққа туркий давлатлардаги ўндан ортик санъат олий таълим муассасалари аъзо ҳисобланади.

Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси – Самарқандда дилларни дилларга, элларни элларга боғловчи санъат байрами давом этмоқда.

Фарида МАҲКАМОВА
тайёрлади.

БЕЛАРУСЬ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

1 СЕНТЯБРГА ОЗ ҚОЛДИ...

нималар ўзгаради?

2024 йилнинг 1 сентябрдан эътиборан мамлакатимиз қонунчилигида бир қанча ўзгаришлар амалга ошади. Газетамизнинг ушбу сонидан уларнинг айримларига тўхталиб ўтишни жониз деб топдик.

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯ ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРИ ОШИРИЛАДИ
Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармонида кўра, 1 сентябрдан бошлаб пенсия ва нафақалар миқдори 15 фоизга оширилади. Унга кўра,

- пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори – ойига 428 000 сўм;
 - ёшга доир энг кам пенсия миқдори – ойига 834 000 сўм;
 - ногиронлик пенсияларининг энг кам миқдори – ойига 920 000 сўм этиб;
 - фуқароларга тўланадиган бошқа пенсиялар ва нафақалар миқдорлари иловага мувофиқ белгиланади.
- Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори эса 10 фоизга оширилади, мазкур банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ходимлар бундан мустасно. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – ойига 1 155 000 сўм, базавий ҳисоблаш миқдори – 375 000 сўм этиб белгиланади.

СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИДА ҲАМ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛАДИ

Тадбиркорлар томонидан солиқ органлари маълумотлар базалари маълумотлари асосида ўқиш мосламаларидан фойдаланмасдан, рақамли белгилар қўйилган махсуслотларни сотаётгани аниқланса, улар шахсий кабинети орқали огоҳлантирилади. Шунингдек, солиқ текшируви буюрилади:

- ҳуқуқбузарлик содир этилган чорак учун – икки марта огоҳлантирилганидан кейин бир ой ичида такроран ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда;
- солиқ текшируви тугаган кундан эътиборан бир ой ичида такроран содир этилган қонун бузилиши ҳолатларида – тадбиркорлик субъектларини хабардор қилмасдан, текширув куни хабардор қилган ҳолда Бизнес-омбудсманга.

ЧЕТ ТИЛИ ИМТИҲОНЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИ ҚОПЛАНАДИ

2027 йил 1 январга қадар немис, француз, корейс, хитой ва япон тилларидан халқаро имтиҳон тизимлари бўйича имтиҳон топшираётган ёшларнинг имтиҳон харажатларини қоплаш учун талаб қилинадиган минимал балл (талаб қилинадиган сертификат даражаси) бир даражага пасайтирилади ва имтиҳон харажатлари қопланади.



Янги Ўзбекистонни барпо этишда Тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишидан бири этиб – адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капитални ривожлантириш белгиланган. Бунда олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш устувор мақсадлардан бири сифатида кўзда тутилган.

Сўнгги йилларда олий таълим тизимида асосий эътибор талаба-ёшларимизнинг таълим олиши учун кенг имконият ва зарур шароит яратишга қаратилди. Натижада, ўтган 7 йил мобайнида олий ўқув юртлири сони 77 тадан 210 тага етди, уларга қабул 3,5 бараварга ортди. Ёшларни олий таълим билан қамров даражаси 9 фоиздан 42 фоизга етди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги қарорига асосан Тошкент шаҳридаги

Беларусь-Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институти ташкил этилди.

Беларусь Республикасининг миллий таълими анъанавий равишда беларусь халқининг энг юқори қадриятларидан биридир. Буни катта ёшдаги аҳолининг саводхонлик даражаси (99,7 фоиз), банд аҳолининг асосий, умумий ўрта ва касб-хунар таълими билан қамраб олиниши (98 фоиз) каби макро кўрсаткичлар ҳам тасдиқлайди.

Беларусь Республикасида 2023 йил ҳолати бўйича 49 та олий таълим муассасалари, шундан 34 та университет ҳамда 9 та академиялар фаолият олиб бормоқда. 225 500 нафар бакалавр ва 10 300 нафар магистр талабалари таълим олмоқда. 2023/2024 ўқув йилида 18 838 нафар хорижий талабалардан 6 608 нафарини Ўзбекистон ёшлари ташкил қилмоқда.

Беларусь олий таълим муассасалари халқаро рейтингларда ўз ўрнига эга. Дунё университетларининг QS Халқаро рейтинг агентлигининг маълумотларига кўра, Беларусь миллий техника университети 2024 йил натижаларига кўра, 801-850 рейтинг кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 2024 йил 20 июнь куни "Муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада тақомиллаштириш" масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бир қатор устувор вазифалар белгилаб берилди.

Унга кўра, соҳа корхоналари билан

ҳамкорликда "Тармоқ – корхона – олийгоҳ" занжири асосида институти-миз ҳозирги кунда sanoat ҳамкорлиги бўйича йўналиш ва мутахассисликларни ишлаб чиқарувчилар талабларига мос ҳолда шакллантирмоқда.

Ҳозирга кунда, институти-мизда республикамизнинг соҳа корхоналарида кадрларга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда машина-созлик технологияси, муҳандислик иқтисодиёти, транспорт логистикаси, муҳандислик – педагогик фаолият, бино ва иншоотларни қуриш, тракторсозлик ҳамда пайвандлаш ишлаб чиқариш ускуна ва технологиялари бакалавр таълим йўналишларида кундузги ва сиртки таълим шакллари бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

Ундан ташқари, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш мақсадида институти-мизда илк бор муҳандислик бизнеси, сифатни текшириш, транспорт, машинасозликда инновацион технологиялар, қурилиш, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва аудит каби соҳаларда магистратура мутахассисликлари очилди.

2023/2024 ўқув йилида институти-мизнинг 6 та таълим йўналиши бўйича 211 нафар битирувчиларига Беларусь миллий техника университетининг бакалавр дипломлари топширилди.

Жасур САФАРОВ,
Тошкент шаҳридаги Беларусь – Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институтининг ўқув ишлари бўйича ижрочи директор ўринбосари, техника фанлари доктори, профессор.



ДОННИ АЯГАН ДОНГА ЕТАР

“ДАРОМАДИНГИЗДАН ХАРАЖАТИНГИЗ КАМ БЎЛСА, ФАЛСАФА ТОШИ ҚЎЛИНГИЗДА ЭКАН”, ДЕЙДИ АМЕРИКАЛИК МАШХУР ОЛИМ ВА ДАВЛАТ АРБОБИ БЕНЖАМИН ФРАНКЛИН. НЕЧА МИНГ ЙИЛЛИК ДАВОМИДА КЎП СИНОВЛАРНИ БОШИДАН ЎТКАЗГАН ХАЛҚИМИЗДА ЭСА “ДОННИ АЯГАН ДОНГА ЕТАР, НОННИ АЯГАН НОНГА”, ДЕГАН ҲИҚМАТ БОР.

ТЕЖАМКОРЛИК, КАМТАРЛИК, БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА, ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЯТНИНГ ТОШИ ҚАНЧАЛИК ТАРОЗИ БОСИШИГА ИШОРА ҚИЛУВЧИ БУ СЎЗЛАРНИНГ ҚАДР-ҚИЙМАТИ БУГУНГА КЕЛИБ ЯНАДА ОРТГАН. ЖУМЛАДАН, ДУНЁ БЎЙЛАБ ОҚИБАТИНИ ОЛДИНДАН АЙТИШ МУШКУЛ БЎЛГАН МУРАККАБ ЖАРАЁНЛАР ИҚТИСОДИЁТГА ЖИДДИЙ ТАЪСИР ЎТКАЗАЁТГАН, ҲАР БИР ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ УЧУН МАБЛАҒ ТОПИШ, ЖАМҒАРИШ, КЎПАЙТИРИШ ТОБОРА ҚИЙИН БЎЛИБ БОРАЁТГАН ҲОЗИРГИ ШАРОИТДА БЮДЖЕТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ, ТЕЖАМКОРЛИК ВА АНИҚЛИК ҲАР ҚАЧОНГИДАН ДОЛЗАРБ ТУС ОЛГАН.



Шундай деймиз-у, лекин айни замон талабига парадокс равишда гоҳ-гоҳида бюджет маблағларининг ноўрин сарфланиши “кун мавзуси”га айланган ҳолатлар ҳамон кузатилаётганини инкор қилолмаймиз. Бюджетдан молиялаштириладиган қайсидир давлат ташкилоти халқаро тадбир қатнашчиларининг биргина тушлиги учун бир неча юз миллион сўмларни харажат қилгани сингари чучмал вазиятлар, афсуски, бармоқ билан санарли эмас.

Ёки яна бир ташкилот онлайн платформа яратиш учун бюджетдан эшитсанг, капалагинг учадиган маблағни йўналтиргани, ҳокимликларнинг қимматбаҳо автомашиналар харид қилиши жамоатчиликда ҳақли норозиликни келтириб чиқармоқда. Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан аниқланган бюджет маблағларини мақсадсиз ишлатиш ва талон-торож қилиш, камомад ва ўзлаштиришга оид қонунбузилишлар, ушбу жиноятлар учун жавобгарликка тортилган мансабдор шахслар ҳақидаги статистик рақамлар ҳам у қадар қувонтирадиган эмас.

Гап кўпнинг ризку насибаси бўлган, яъни, аҳолининг турмуш фаровонлигини, иқтисодий-ижтимоий соҳаларни яхшилашга, ўсиб келаётган авлод келажагига сарф этилиши лозим саналган давлат бюджети маблағлари ҳақида борар экан, бу масалада тирноқчаллик ҳам масъулиятсизликка йўл қўйиб бўлмайди.

ЎЗГАРИШ БОР, ИШОНЧ КАМ

Ўтган йили **янгиланган Конституция**мизда давлат бюджетини шакллантириш, унинг даромад ва харажат қисмларини белгилаш, шунингдек, ижросини таъминлашда фуқаролар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари фаол қатнашиши, жамоатчилик назоратини амалга ошириши кафолатлари яратилди.

Маълумотларга кўра, жорий йил январь ойига юртимизда 30 мингга яқин бюджет ташкилоти ва давлат корхоналари мавжуд бўлиб, улар сарф этаётган харажатлар очиклигини таъминлаш чоралари кўрилади. Шу билан бирга, 2019 йилдан бошлаб бюджет маблағларини тақсимлашда фуқаролар ҳам бевосита иштирок этмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, туман (шаҳар)-лар бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 10 фоизи жамоатчилик фикри асосида шакллантирилмоқда.

2020 йилда қабул қилинган Давлат бюджети тўғрисидаги қонун билан илк бор республика бюджети харажатлари вазирлик ва идоралар кесимида Олий Мажлиси палаталари томонидан, маҳаллий бюджетлар харажатлари эса халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига бевосита боғлиқ бўлган ҳамда тўлиқ маҳаллий бюджетлар иштиёрида қолдириладиган даромад турлари кенгайтирилди.

Мазкур йилдан бошлаб барча давлат мақсадли жамғармалари ва четдан жалб қилинган ташқи қарз маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган харажатлари консолидациялашган давлат бюджетиде акс эттирилиб, бюджет қамрови ва очиклиги даражаси кучайтирилди. Халқаро стандартларга мувофиқ умумий фискал баланснинг ҳисобини юритиш йўлга қўйилди. Янги тахирридаги Солиқ кодексидан

солиқларни ортиқча ундирганлик учун давлат солиқ хизмати органларининг жавобгарлиги кучайтирилди, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари соддалаштирилди.

Лекин шунча шаффоф тизим яратилаётганига қарамасдан, бюджет маблағларини ноқонуний харж этиш, мақсадсиз сарфлаш ҳолатлари камайиши ўрнига, ортиб бораётгани таажжубли ҳол. Қурилиш, таълим, тиббиёт ва бошқа турли соҳаларда мансабдорларнинг бюджет маблағларини талон-торож қилганига доир хабарларга бот-бот дуч келишимиз оғриқли ва таассуфли.

Халқ демократик партияси депутатлари ва фаоллари бу масалада қандай позициядалар? Партиянинг Сайловди дастурида қандай таклиф-ташабуслар бор?

БЕЛИ ОҒРИМАГАННИНГ НОН ЕЙИШНИ КЎР



Робия КАЗИМОВА, ЎзХДП Бухоро шаҳар кенгаши раиси:

– Фуқароларнинг бюджетни шакллантиришда иштирок этишга, асосан солиқлар эвазига йиғилган пул маблағлари қандай ва қаерга сарфланаётганини билишга, керак бўлса, бунинг устидан назорат қилишга ҳаққи бор.

Айталик, яқин-яқингача маҳаллага ичимлик суви келтириш ёки ички йўللارни яхшилаш, боринги, поликлиника ёки мактаб қуриш заруратини кўтариб чиққан фуқароларимиз мансабдор шахслардан «Давлат томонида пул ажратилса, бажарамиз», деган жавобни олар, ўша маҳалладаги кўпчиликни қийнаб келаётган муаммо йиллаб ечилмай турар эди.

Давлат бюджетини шакллантириш ҳамда ижро этиш тартиб-таомиллари очиклик ва шаффофлик принциплари асосида амалга оширилиши билан боғлиқ конституциявий тамойил жорий этилган, вазият яхши томонга ўзгармоқда. Аввало, фуқароларнинг бюджет жараёнида иштирок этиш тартиби пайдо бўлди. “Ташаббусли бюджет” амалиёти орқали жойлардаги ижтимоий муаммоларни бюджетга киритиш ва уларни тезлик билан ҳал қилиш имкони яратилди.

Бироқ бу ижобий ўзгаришларга зид ўлароқ ҳалиям айрим бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналарида мавжуд пул маблағларини мақсадсиз сарфлаш, керак-но керак харидларни амалга оширишдаги бемалолчилик буткул йўқолмагани ҳам аччиқ ҳақиқатдир.

Халқимиз бели оғримаганнинг нон ейишни кўр, дейди. Худди шундай,

бюджет асосида молиялаштириладиган ташкилот ёки корхонанинг кўп ҳолларда раҳбар ходимлари маблағларни талон-торож қилиши, юқорида айтганимдай, тежамкорликни унутиб қўйиши – бу энди уларнинг молиявий ва ҳуқуқий маданияти, виждони билан боғлиқ масаладир.

Ижтимоий сиёсатни давлат тараққиётининг туб тегиши деб ҳисоблайдиган **Халқ демократик партияси давлат бюджети маблағларини самарасиз ва мақсадсиз ишлатганлик учун жавобгарликни кучайтириш** тарафдоридир. Мақсад ҳар бир сўм халқнинг фойдаси учун ишлатилсин.

Жамиятимиз ҳаётида ижтимоий муаммолар оз эмас. Ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, ногиронлиги бор шахслар, кексалар, хотин-қизлар, ёшлар манфаатлари ҳимоясини ошириш, замонавий таълим ва тиббий муассасалар бунёд этиш, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида йиғилиб қолган камчиликларни бартараф қилиш – булар заррача ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ. Мана шундай бир пайтда халқ пули - бюджет маблағларига кўз олайтиришни, юмшоқроқ айтганда, кечириб бўлмайди.



Нилуфар АБДУМАЖИДОВА, ЎзХДП Норин туман кенгаши раиси:

– Давлат бюджети битмас-туганмас захира эмас. Бюджет маблағларини шакллантиришдан тўрттиб сарф этишгача бўлган бутун бошли жараён саноат милларидек аниқликни, қонуний тартибни, интизомни, шунингдек, ҳалолликни талаб қилади. Буни ҳар бир мансабдор шахс чуқур ҳис этмоғи керак. Акс ҳолда, давлат ва халқ манфаатидан кўра, ўз манфаати иш фаолиятида устуник қилиши, бу эса қатор қонунбузилишларга йўл очиши мукаррар.

Партияимиз мазкур йўналишда жавобгарликни кучайтириш билан бирга **давлат бюджети ҳисобидан қимматбаҳо совғалар ҳада этишни ҳам қонуний тақиқлашни** таклиф қилмоқда.

Яширининг ҳолати йўқ, турли даражадаги амалдорларга байрамлар, тўйлар, туғилган кун ёки бошқа муҳим сана муносабати билан қимматли совғалар юбориш, хизмат сафарларига борганда ноз-неъматга тўла дастурхонлар ёзилиб меҳмон қилиш-у бу меҳмондорчиликлар «арзимас», деб аталадиган совғалар билан яқунланиши билан боғлиқ тутум деймизми, одатми, айрим жойларда ҳали-ҳамон сақланиб

» **Бюджет, вазирлик-идора маблағидан иштаҳаси келиб қолиб шоколад олган, фарзандини хизмат машинасида мактабга олиб борган катта амалдорлар уятга қолганидан истеъфо беришга мажбур бўлгани ҳақида ҳам дунёда хабарлар оз эмас.**

қолмоқда.

Бундай совғаларни тақдим этиш ёки қабул қилиш манфаатлар тўқнашуви, коррупциявий ҳолат саналади. Беғараз совға қиймати шундай бўлиши керакки, давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятида ҳолис қарор қабул қилишига таъсир кўрсатадиган мажбурият юзага келмаслиги шарт.

Хориж тажрибасига назар ташласак, дейлик, АҚШ Давлат департаменти ҳар йили Федерал реестрда совғалар рўйхатини эълон қилади. Ҳар қандай даражадаги мансабдор шахсга ўз мамлакатидан давлатдан олинган совға, агар қиймати 50 доллардан ошса, пора ҳисобланади. Сенаторларга совғалар нархи йилга 300 доллардан ошмаслиги керак, умумий қиймати 75 доллардан ортиқ бўлган совғалар декларация қилинади.

Сингапурда эса вазирлар ва уларнинг оила аъзолари нархи 32 АҚШ долларидан кам бўлган совғаларни олиши мумкин, холос. Каттарок суммадагисини эса вазирлар ўз ҳисобларидан давлатдан сотиб олишлари мумкин. Канада ҳукумати ходимларига қиймати пул билан ифодаланиши мумкин бўлган ҳар қандай совғаларни қабул қилишга рухсат берилмайди.

Бюджет, вазирлик-идора маблағидан иштаҳаси келиб қолиб шоколад олган, фарзандини хизмат машинасида мактабга олиб борган катта амалдорлар уятга қолганидан истеъфо беришга мажбур бўлгани ҳақида ҳам дунёда хабарлар оз эмас.

Кўриб турганимиздай, қимматбаҳо совғалар олиш ёки тақдим этишга нисбатан бундай қатъий ва кескин ёндашув замирида коррупциявий жиноятларнинг, давлат газнасига шахсий манфаатлар аралашуви билан чанг солиш ҳолатларининг олдини олиш мақсади турибди.

Ҳозирги давр бюджет маблағларидан тежамкорлик билан фойдаланишни тақозо этмоқда. Мамлакат ривожини, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, ислохотлар самарадорлиги бевосита шунга боғлиқ. Бу борада бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни, жавобгарликни янада кучайтириш муҳим ва долзарб вазифадир.

Фарида МАҲҚАМОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

DASTUR VA IJRO

ҲАР КУНИ ЗАРУР, ҲАММАГА КЕРАК...

МАЪЛУМКИ, ПАРЛАМЕНТНИНГ 2019 ЙИЛИ ШАКЛАНТИРИЛГАН ЖОРИЙ ҚУЙИ ПАЛАТАСИ ВАКОЛАТИ 2024 ЙИЛ ОХИРИДА ТУГАЙДИ. ҲОЗИР ЮРТИМИЗ МУҲИМ СИЁСИЙ ЖАРАЁН АРАФАСИДА ТУРИБДИ. САЙЛАШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛГАН ҲАР БИР ВАТАНДОШИМИЗНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАРГА ДАХЛДОРЛИГИ ЯНАДА КУЧАЙГАН.

САЙЛОВ НАФАҚАТ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР, ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР, БАЛКИ ОДАМЛАРИМИЗ УЧУН ҲАМ СИНОВДИР. ЧУНКИ УЛАР ЎЗ ҲУДУДИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ, МУАММОЛАРИ ВАКИЛЛИК ОРГАНИГА, ПАРЛАМЕНТГА ОЛИБ ЧИҚИЛИШИ, ҲОҲИШ-ИСТАКЛАРИ АМАЛГА ОШИШИ, ҚОНУНЛАРДА АКС ЭТИШИ УЧУН ШУНГА МУНОСИБ НОМЗОДНИ ТАНЛАШИ КЕРАК. ОВОЗ БЕРИШ ЭСА ШУНЧАКИ САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИГА МАХСУС БЕЛГИНИ ҚУЙИШ БИЛАН БЎЛМАЙДИ. СИЁСИЙ ПАРТИЯ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛГАН ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДНИНГ ТАШАББУСКОРЛИГИНИ, ФАЗИЛАТЛАРИНИ ЎРГАНИШ, КУЗАТИШ БАРОБАДОР СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН ҲАМ ХАБАРДОР БЎЛИШ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ. ШУНДА КЎПЛАР ОРАСИДАН МУНОСИБ ВА ЭНГ ЯХШИ НОМЗОД САЙЛАНАДИ, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛИЯТИГА ҲАҚҚОНИЙ БАҲО БЕРИЛАДИ.

2019 ЙИЛГИ ЎЗДП САЙЛОВДИ ДАСТУРИДА ХАЛҚИМИЗНИ ЎЙЛАНТИРГАН КЎПЛАБ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ЕЧИМИ БЎЙИЧА ЯНГИ ВА ҚАТЪИЙ ТАШАББУСЛАР ЎРИН ОЛГАН ЭДИ. МАСАЛАН, АҲОЛИНИНГ КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ҚАТЛАМЛАРИ, ПЕНСИОНЕРЛАР, НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ, КУНДАЛИК ИСТЕЪМОЛ ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР НАРХЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ МАҚБУЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҚИШЛОҚ ОДАМЛАРИНИНГ ЯШАШ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА АНИҚ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНГАНДИ.

Ҳўш, улар қай даражада ижро этилди-ю, бунинг одамларга қандай нафи тегиши? Бугун шу савол атрофида фикрлашамиз.



ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖЛАР КАФОЛАТИ

Инсонлар фаровонлигини ўзида мужассам этадиган энг муҳим талаб ва кўрсаткичлардан бири – бу оила бюджетининг ҳажми ва таркибидир. Табиийки, ушбу кўрсаткич истеъмол бозорининг зарур товар ва ижтимоий хизматлар билан қанчалик тўлдирилгани ҳамда аҳолининг ундан фойдаланиш имкониятлари қай даражадалиги билан ўлланади.

Шу сабабдан Ўзбекистон Халқ демократик партияси 2019 йилги парламент ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловдан сўнг эҳтиёжманд аҳоли қатламини кундалик зарур товар ва хизматлар билан таъминлашни бошқариш йўлини илгари сурган эди.

Келинг, дастлаб масаланинг долзарблигига қисқача изоҳ бериб ўтамиз. Сир эмас, бугун Ер юзиде глобал иқлим ўзгаришлари жиддий хатарларни келтириб чиқармоқда. Табиий офатлар, сув танқислиги, қурғоқчилик, чўлланиш каби ҳолатлар биринчи галда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни қийинлаштириши табиий, албатта. Оқибатда дунё озиқ-овқат бозорларида нарх-наво кўтарилиши кузатилади, бу бизнинг мамлакатга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича стратегик жиҳатдан мақсадли ва изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада йилга 20 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилмоқда. Сўнгги йилларда эса 800 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш сизимига эга бўлди. Халқаро озиқ-овқат сиёсати илмий-тадқиқот институти ҳисоботларида ҳам Ўзбекистонда кейинги йилларда бу борада эътирофга сазовор ишлар амалга оширилганга қайд этилди.

Масалан, республикада озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, соҳага инвестиция маблағларини жалб қилиш ва экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижа-сида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 6,1 млрд. доллардан ошди.

Шунингдек, охириги уч йилда импорт ўрнини босувчи 75 турда 289,9 млн. доллар миқдоридеги озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, импорт ҳажми 7,4 фоизга камайди. Республикада озиқ-овқат саноати улуши 14 фоиздан 16,6 фоизга етди.

Натижада Ўзбекистон БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида “Минг йиллик ривожланиш мақсадлари”га эришгани учун махсус мукофотига сазовор бўлган дунёдаги 14 давлатдан бири сифатида эътироф этилди.

Аммо, очигини айтиш керак, бу эҳтиёжларимиз учун кам. Демак, бу мамлакат иқтисодий хавфсизлиги муҳим таркибий қисми ҳисобланган озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш, аҳолини кундалик зарур товар ва хизматлар билан таъминлашни бора-бора ишларни тизимли равишда такомиллаштириш лозимлигини кўрсатади.

ИЖРО ҲАҚИДА...

Айтиш керакки, биз юқорида тилга олган масалалар бўйича кўшимча чора-тадбирлар давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 28 декабрдаги “Истеъмол бозорларида асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида назарда тутилган.

Ушбу масала юзасидан партия фракциясининг ишчи гуруҳи тузилди. У хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва тадбиркорлик эркинлиги тамойилларига зид бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотлари ва кундалик эҳтиёждаги бошқа товарларни ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида давлат томонидан тартибга солиш чораларини қонуний жиҳатдан мустақамлаш бўйича илғор хорижий тажриба ҳамда мазкур масалалар бўйича универсал халқаро ҳужжатларнинг тавсиялари ва меъёрларини ўрганишни ташкиллаштирди.

Ўрганишлар якуни бўйича тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Дилором ИМООВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗДП фракцияси аъзоси:

– Товар ва хизматлар истеъмоли ҳаёт даражасини белгилаб берувчи омиллардандир. Статистик маълумотларга қараганда, юртимиз аҳолиси муттасил кўпайиб бораётганига қарамай, уларнинг реал даромадлари, айниқса, охириги 5-6 йилда катта ўсиш тенденциясини кўрсатмоқда.

Бугун кўплаб мамлакатларда озиқ-овқат хавфсизлиги жиддий муаммога айланмоқда. Давлатимизнинг хавфсиз, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш салоҳиятини оширишга эътибори катта экани мақсадга мувофиқ, албатта. Президентимизнинг 2022 йил 31 майдаги “Истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлашга ва монополияга қарши чораларнинг таъсирчанлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони доирасида асосий турдаги озиқ-овқат ва зарур маҳсулотлар нархлари асосиз оширилмаслиги бўйича тизимли ишлар бажарилмоқда. Мазкур масалалар ҳар йили қабул қилинадиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисидаги қонунлар доирасида ҳуқуқий тартибга солинади. Ушбу қонунларни муҳокама қилишда партиямиз фракцияси фаол иштирок этмоқда.

Шунингдек, фуқароларнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарларга эҳтиёжини қондириш механизми “Аҳолини айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга доир чоралар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлашга қаратилган қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонунларда ҳам белгилаб берилди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланишни таъминлашнинг стратегик мақсади — мамлакат аҳолисини хавфсиз, сифатли, арзон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳозирги ва истиқболдаги истеъмол эҳтиёжлари, рацион меъёрлари даражасида таъминлаш, шунингдек,

жамиятда соғлом овқатланишни тарғиб қилишдан иборат.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 1 апрелда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирувчи, ишлаб чиқарувчи ва уларни экспорт қилувчи тадбиркорлар билан ўтказилган мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Унга қўра, 1 апрелдан бошлаб, мева-сабзавот маҳсулотлари бўйича бир экспорт шартномаси доирасида келиб тушмаган валюта суммаси экспортга юкланган жами маҳсулот нархининг 10 фоизидан ошмаган тақдирда муддати ўтган дебитор қарздорлик ҳисобланмай, тадбиркорлик субъектига нисбатан жарима қўлланмайдиган тизим жорий қилинди.

2026 йил 1 январга қадар маҳаллаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ййғиб, фақат маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарга сотиш билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни ўзини ўзи банд қилган шахслар сифатида рўйхатдан ўтказишга руҳсат берилди.

ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР МАҚБУЛЛИГИ

Товар ва хизматларнинг ижтимоий мақбул-лиги тенглик муҳити ва тенг имкониятлар яратади. Ижтимоий ҳимоя тушунчаси нафақат ижтимоий ёрдам ва нафақалар билан таъминлашни, шу билан бирга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини изчил ривожлантиришни ҳам қамраб олади. Халқ демократик партияси ҳар бир инсоннинг ҳаётий зарур эҳтиёжлари, товар ва хизматлар мақбуллиги реал ҳаётда кафолатланишини истайди. Шунинг учун ҳам муҳим ижтимоий аҳамиятга эга товар ва хизматларнинг нархлари ҳамда рўйхатини белгилаш давлат томонидан тартибга солинишни қонуний жиҳатдан мустақамлаш бўйича тақлифлар киритилган эди.

Аброр ҚУРБОНОВ, ЎЗДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи:

– Президентнинг 2023 йилдаги “Истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, 2024 йил 1 январгача 35 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига импорт божлари ноль ставкада белгиланди. Натижада божхона имтиёзлари асосида импорт қилинган 36 турдаги товарларнинг 24 тури бўйича улгуржи нархларнинг пасайиши кузатилди.

Бундан ташқари, 2023 йилнинг 1 майдан “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган фуқароларнинг мол, қўй ва парранда гўшти, тухум, ўсимлик ёғи, ун, шакар, дори воситалари ва тиббий хизматлар учун қилган харажатларига қўшилган қиймат солиғи қайтарилиши тизими жорий қилинди. **Натижада 2 миллиондан ортиқ оилага энгиллик яратилди.**

Бу ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли ман-фаатлари учун айна мудао бўлди.

Вазирлар Маҳкамаси қарори билан 2023 йил 15 октябрдан бошлаб «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ва ижтимоий ходимлар кўрсатадиган ижтимоий хизматлар

ва ёрдамлар рўйхати тасдиқланди.

Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бор шахслар ҳар ойда 15 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва 4 турдаги гигиена товарлари билан бепул таъминланиши йўлга қўйилгани ҳам партиямиз гоёларига ҳамма ҳамдир.

2024 йил 1 майдан реестрга киритилган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ҳар ойлик ўй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва шахсий гигиена товарлари учун қўшимча пул тўловлари ўрнига ҳар ойда минимал истеъмол харажатлари миқдоридеги моддий ёрдам жорий этилди.

2024 йил 1 мартдан ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, мустақил ҳаракатланиш ва мўлжал олиш имконияти чекланган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий ходимлар ассистентларининг “соатбай” асосда ҳафтанинг барча кунлари хизмат кўрсатиши учун мослашувчан иш тартиби жорий этилди.

Бозор иқтисодиёти даврида товар ва хизматлар нархларини назорат қилиш бироз мушкул, албатта. Шунга қарамай, нарх ва тарифлар устидан давлат ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Қанчалар қийин бўлмасин, томонлар масъулиятини ошириш, меъёрни сақлаш борасида қатъий назорат ўрнатилмоқда.

Шунингдек, Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракция аъзолари, халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳлари, ҳамда ҳудудий партия ташкилотлари “Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими” порталида жамоатчилик муҳокамасида иштирок этишди.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, кам таъминланган оилалар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига озиқ-овқат маҳсулотлари ва кундалик эҳтиёждаги товарларни арзон нархларда сотаётган ижтимоий дўконлар тармоғини ривожлантириш тараққий этган мамлакатларда энг кенг тарқалган хайрия фаолиятларидан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан ҳозирги кунда тегишли қонунчилик ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида тақлифлар ишлаб чиқилмоқда.

Дарҳақиқат, бозорларда тўқинлик ва арзончилик бўлиши, кундалик зарур товар ва хизматлар нархлари ҳамда тарифлари белгиланган меъёрлардан ошиб кетмаслигини назорат қилиш тизими яхши йўлга қўйилгани инсонпарварлик тамойили асосида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларнинг яна бир амалий натижаси, десак янглишмаймиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳар бир инсоннинг ҳаётий эҳтиёжлари кафолатли таъминланиши тарафдори сифатида ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг кундалик зарур товар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишини, жамиятда ижтимоий тенглик ва барқарорлик бардавом этишини устувор мақсад, деб билади.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

Шиддат билан ўзгараётган дунёда мустақиллик, тил, маданият масаласи ўта долзарб ижтимоий ва сиёсий муаммо саналади. Ҳозирги вақтда жаҳонда турли миллат ва элатлар 7164 тилда сўзлашсаларда, уларнинг фақат 0,2 фоизигина, яъни, 246 миллат ўз миллий давлатчилигига эга экан. Муайян давлат доирасида ўз миллий мақоми, тили, маданияти ва ҳудудини институционал тарзда расмийлаштирган 37 халқ ва элатлар мавжуд экан. Шунинг учун ҳам Мустақиллик Ўзбекистонимизда энг азиз, энг тотли, катта тантаналарга муносиб байрам ҳисобланади.



МУСТАҚИЛЛИК ҲАР БИРИМИЗДАН КУЧ ОЛАДИ



Мансур БЕКМУРОДОВ,
Ўзбекистон Президенти ҳузурдаги
Давлат бошқаруви академияси
кафедра мудири, социология
фанлари доктори, профессор:

МУСТАҚИЛЛИК ВА РЕНЕССАНСЛАР БОҒЛИҚЛИГИ

— Янги Ўзбекистон бағрида 3-Ренессанснинг бош меъморлари – юксак салоҳиятли, хорижий тиллар, замонавий билим, ахборот ва турли фаолият технологияларни пухта ўзлаштираётган, маънавий баркамол, ватанпарварликни бош қадрият сифатида теран англайдиган, Ватан иқболига садоқатли янги авлод улғайиб келмоқда.

Чин интилиш катта умуммиллий ижтимоий ҳаракат сифатида бутун миллатимиз маънавиятини эгаллаётганлиги билан эътиборлидир. Янги Ўзбекистон-2030 стратегиясининг бош мақсади ҳам айнан шунга қаратилганлиги, орадан 6 йил ўтиб, давлатимизнинг аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот тақсимотининг 4000 долларга етказилиши, ривожланиш кўрсаткичлари ўртачадан юқори бўлган мавқедаги давлатлар қаторига киришимизнинг бош ҳаракатлантурувчи кучи сифатида инсонни кучайтиришига қаратилганлиги билан эътиборлидир. Шу боисдан ҳам ана шу катта марраларга эришиш учун Стратегиямизда белгиланган 100 мақсаднинг 44 таси айнан одамни муқаррар қаролатловчи куч эканлиги шубҳасиздир.

Мустақиллик миллатнинг асл салоҳияти ва имкониятларини рўёбга чиқариш имкониятлари билан ҳам кадрлидир. Утган 25 йил ва айниқса, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги буюк сазой ҳаракатларни ўзда мужасамлаган сўнгги 8 йил озод ва эркин миллий тараққиёт йўлимизни ортга қайтмас изга солгани билан тарихий аҳамиятга эгадир.

МАЪРИФИЙ ЖАМИЯТ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ МАЪНАВИЙ ПОЙДЕВОРИ

Ҳаётимизнинг барча йўналишларида амалга оширилаётган ривожланиш тенденциялари, илм-фан, теран билимлар, ақли бошқарувга таянлаётганлиги ҳамда инсон учун ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратилаётганлиги зиддилар зиммасига янги ва янада муҳим вазифаларни юклармоқда.

Хусусан, мамлакатимизда том маънодаги маърифатли давлат ва маърифат жамияти барпо этилаётганлигини Янги Ўзбекистонда инсон омили муқаддас қадрият сифатида юксалтирилиб, одамларни билими, бахтли, эркин ва фаровон қилувчи қуриш механизми ишлаб чиқилди. Унга кўра, бу механизм инсоннинг маърифий қомиллиги, яъни, ўзини ўзи узлуксиз ривожлантириб бориши, жамиятда ҳамжихатликда яшай олиши, бошқаларни ўзи билан тенг кўриши, куч маданиятини эмас, балки меҳр, тинчлик ва яхшилик ма-

даниятини бош қадрият сифатида англаши негизда амал қилади.

Айниқса, мамлакатимизда инсон қадрини улуғлашга қаратилган ижтимоий ёндашувнинг маънавий аҳамияти янада катта бўлади. Маърифий жамиятда инсоннинг ижтимоий давлатдаги ўрни куйидаги тамойилларда яққол намоён бўлади:

- инсон қадрини унинг қобилиятлари ва салоҳиятлари орқали рўёбга чиқарилиши;
- ҳар бир инсон ёки жамоанинг маънавий-интеллектуал, ижтимоий-сиёсий ва бунёдкорлик фаолиятида қузатувчи эмас, балки, реал иштирокчига айланиши;
- ҳар бир инсоннинг жамият маънавий қадриятларига асосланган тенглиги доирасидаги ўз овози, ўрни ва роли бўлиши;
- ҳар бир инсоннинг жамоалашувга бўлган интилиши тенденциясининг қўллаб-қувватланиши;
- ҳар бир инсон, жамоанинг кучли томонларини юзага чиқаришнинг устувор сиёсатга айланиши;
- ҳар бир инсоннинг жамиятда амалга оширилаётган ислохотларнинг реал ташаббускори сифатида иштирокчи намоён этиши;
- ҳар бир инсон учун касбий, интеллектуал ва бадиий тараққиётда энг юқори мақом, яъни, “касби қомиллик” даражасига эришиш имкониятининг яратилиши.

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ИЖТимоий ҚИЁФАСИ ТЕЗ ЎЗГАРМОҚДА

Сўнгги 7-8 йил мобайнида жамиятнинг ижтимоий қиёфаси ҳам тубдан ўзгарди. Давлатнинг ислохотларни бошқариш амалиётига барҳам берилиб жамият барча ислохотларнинг ташаббускори сифатидаги янги функциясини катта куч билан ишлата бошлади. Айниқса, сўнгги беш-олти йилда ижтимоий табақалар трансформацияси ўта жадаллашди. Қисқа вақт, яъни, 7-8 йил ичида кечаги ишсиз фуқаро тадбиркорлик, фермерлик ёки хизмат соҳасига киришди, бу соҳада муваффақиятларга эришиб, ўз қишлоғи, маҳалласида иш берувчи шахсга айланаётганлиги бугун ҳеч кимни ҳайрон қолдирмайдиган одатий ҳолга айланди.

Агар илгари одамлар кўпроқ мулки ва даромад топишига кўра фарқланган бўлса, Янги Ўзбекистонда фуқаролар ҳам молиявий, ҳам маданий, ҳам интеллектуал жиҳатдан интилишига кўра фарқланганлиги билан эътиборлидир. Шу асосда одамларнинг ҳаёти, фаровонлик даражаси, фикрлаш тарзи, мақсадлари, дид ва савиялари ҳам ўзгариб бормоқда. Илгари даврларда одамларни тўй, маърака, урф-одатлар, чойхона, улфатчилик бирлаштириб келган бўлса, эндиликда одамлар сиёсат, тадбиркорлик, спорт, маданият йўналишидаги умумий нуқтаи назарлар, дидлар, мақсадлар, қизиқишлар, умумий дунёқараш, санъат ва бошқа омиллар негизда бирлашишга мойил бўлмоқдалар.

МУСТАҚИЛЛИК ЎЗ ҚАҲРАМОНЛАРИДАН КУЧ ОЛАДИ

Миллий мустақиллик узоқ тарихий, сиёсий, маънавий, ижтимоий ва иқтисодий кечмишлар маҳсулидир.

Мухтарам Президентимиз таъбири билан айтганда **“Ўтмишдаги ютуқларидан куч олиб, хатоларидан ҳулоса чиқариб яшайдиган халқ ўз тараққиёт йўлини тўғри белгилай олади”**.

Шундай бир тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик кунларда Янги Ўзбекистонда Ватанимиз мустақиллигининг 33 йиллик байрамини катта мамнуният билан ва кўтаринки руҳ билан мамлакатимизни барча ҳудудларида кенг нишонлаётимиз. Ўзбек халқи ўзининг уч минг йиллик давлатчилик тарихидан маълумки, ушбу давр ичида бу халқ шонли воқеаларни, турли синовлар ва қийинчиликларни, фожиали кунларни ҳам бошидан кечирган.

Ҳатто ўзбек миллатини бутунлай йўқотиш режалари билан узоқ йиллар давомида

турли сиёсий бюрларда ҳар хил режалар ишлаб чиқилган. Янги Ўзбекистон боғидаги Мустақиллик монументида бу воқеаларни бадиий акс эттирилгани ҳам бежизга эмас. Ушбу монумент олдига борган ҳар бир инсон обидадаги бадиий тасвирларни кўрганда, албатта, ўзбек миллатининг метин иродаси қанчалик мустақкам бўлганлигини кўриб, ундан куч олиши табиийдир. Монумент пойига ёзилган **“Халқимиз тарихида эзгу из қолдирган барча аждодларимиз доимо қалбимизда”**, деган чуқур маъноли сўзлар, бугунги авлодга ўтмишдаги буюк ота-боболаримиз хотирасига бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромини ҳамда куч манбаини англайди.

МУСТАҚИЛЛИК БУНЁДКОРЛИКДАН КУЧ ОЛАДИ

Бугунги одамлар кечаги одамлар эмас, улдар мамлакат тақдирини ўзгартиришга сидқидилдан киришган. Одамларнинг қаддини кўтаришга, уларни ҳаётга мағрур боқишга, кўраётган кунидан рози бўлиб яшаш учун зарур шароит яратиб беришга бел боғлаган заҳматқаш халқимиз орқига қайтмас ислохотлардан ва бунёдкорликлардан куч олади.

Кейинги саккиз йил ичида 19 та эркин иқтисодий зона ва 400 дан зиёд кичик sanoat зонаси ташкил этилиб, мингдан ортик лойиҳа амалга оширилди. Натижада 100 мингта иш ўрни яратилиб, йилга 45 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, sanoat зоналаридаги корхоналар йилга 750 миллион долларлик экспорт ва 1 триллион сўмдан зиёд солиқ тушумларини таъминламоқда.

Яна бир муҳим жиҳати, ҳар бир туманга, олис ва чекка ҳудудларга sanoat кириб бормоқда. Хусусан, илгари sanoat умуман бўлмаган 11 та туманда 205 та янги корхона иш бошлади. 205 та “Ёшлар sanoat зонаси”да 1 минг 200 та лойиҳа ишга туширилди. Ҳозирда бизнесдаги айланма маблағини миллион доллардан оширган 1,5 минг нафар ёш тадбиркор бор. 161 та Янги Ўзбекистон массивлари қурилиб, 90 мингдан ортик уй-жойлар қурилди ва аҳолига узоқ муддатли ҳамда имтиёзли кредитлар ҳисобига уй-жойлар берилди.

Ўзбекистонда 3 млн нафарга яқин 3-7 ёшли бола бор. Уларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 74 фоизни ташкил қилмоқда. Мамлакатда бу кўрсаткични 2026 йилгача 80 фоизга, 2030 йилга бориб, 100 фоизга етказиш режа қилинган. Бугунги кунда Ўзбекистонда жами 33 942 та мактабгача таълим ташкилоти фаолият юритмоқда. Ушбу мактабгача таълим ташкилотларининг 6780 таси давлат боғчалари, 27 162 таси эса нодавлат ташкилот ҳисобланади. Болалар боғчаси қурилгани, “Обод маҳалла” дастури доирасида 5 мингдан ортик маҳалла гузарлари ташкил қилинганлиги ва 5 миллиондан ортик доимий иш ўринлари яратилганлиги Янги Ўзбекистондаги янгиланишлар ва бунёдкорликнинг яққол мисоли бўла олади.

МУСТАҚИЛЛИК МАҲАЛЛАДАН КУЧ ОЛАДИ

Маҳалла Ватан ичра кичик Ватандир. Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаб айтганларидек, **“Маҳалла тинч бўлса – юртимиз тинч, маҳалла обод бўлса – бутун мамлакатимиз обод ва фаровон бўлади”**. Мамлакатимизда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда юртимизда 10 мингга яқин маҳалла бўлиб, уларнинг 8 877 таси маҳалла фуқаролар йиғини, 161 таси овул фуқаролар йиғини, 89 таси қишлоқ фуқаролар йиғини ва 41 таси шаҳар фуқаролар йиғинидан иборат.

“Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони билан «маҳалла еттилиги» аъзоларининг вазифалари белгилаб берилди. 2023 йилнинг сентябрь ойида давлат раҳбари «маҳалла бешлиги» «еттилик»ка айлантирилишини

эълон қилар экан, бу тизим фақатгина «эшитувчи давлат» бўлибгина қолмасдан, балки, эшитиб, аҳолининг барча муаммоларини биринчи бўлиндаёқ ечиб берувчи тизим тарзидаги концепцияни амалга ошириш мақсадида яратилганини таъкидлаган эди. «Еттилик» таркибига маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторининг функционал вазифаси аниқ қилиб белгилаб берилган. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мамлакатимиздаги ҳар бир ислохотларнинг биринчи акси маҳаллаларда кўринади.

Президентимизнинг **«Биз фаолиятимизнинг биринчи кунларидан ҳамма ишни маҳаллада, халқимиз билан биргаликда ташкил қилиб келямиз. Бу тизимни босқичма-босқич ривожлантирдик. Энди яна қўшимча куч, имкониятлар бериляпти. Бу ҳам ваколат, ҳам масъулият дегани. Маҳаллалар — давлатимизнинг энг катта замини»** деган сўзлари мустақилликнинг моҳият эътиборига кўра, айнан маҳалладан куч олишини яққол ифодалайди.

МУСТАҚИЛЛИК МИЛЛАТ ЛИДЕРИДАН КУЧ ОЛАДИ

“Раҳбарлар фақат давлатга эмас, аввало, инсон ва оилага, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши керак”, деган принципиал ёндашув Ўзбекистондаги барча даражадаги раҳбарларнинг дунёқарашидан принципиал жиҳатдан ўзгартариш ясади, десак муволажа бўлмайди.

Мустақилликни мустақкамлаш йўлида Президентимизнинг кенг қўламли сазой-ҳаракатлари қўйидагиларда яққол намоён бўлади: **- дунёдаги барча глобал можаролар регионал муаммолардан бошланади, шу боисдан регионал тинчликка эришиш глобал тотувликка йўл очади, деган принципиал концепцияни жаҳон қўламида сингдирилиши.**

Ёш қўшнилари, қардош халқлар билан 2016 йилгача сусайган алоқалар Президентимиз ташаббуси билан қайта тикланди, доимий ривожланиб бормоқда.

- дунёда куч маданияти даври тугади, энди тинчлик маданияти, муроसा ва консенсус маданияти даври келди, деган дискурсив ёндашувнинг глобал маконга сингдирилиши

Мазкур масала юзасидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон лидери позициясини фаол қўллаб қувватлаши бутун дунё мамлакатларига уруш кучидан кўра, тинчлик кучини устувор билишнинг афзаллигини кенг тарғиб этиш зарурлигини кўрсатди. Жаҳон ҳамжамияти томонидан Президентимизнинг тинчликка эришиш, муросага келиши, мулоқот қилиши, бошқаларнинг манфаатларини ҳам ўйлаш, бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, маърифатли жамиятни барпо этиш ҳақидаги ташаббуслари кенг эътироф этилмоқда.

- ҳар бир инсоннинг манфаатларини ҳимоя қилиш сиёсатининг изчил юргизилиши;

“Ўзбекистонда ҳеч бир фуқаро эътибордан четда қолмайди”, деган ёндашув жамиятимизнинг барча бўғинларида, яъни, таълим, маҳалла, санъат, хизматлар, соғлиқни сақлаш соҳаларида изчиллик билан инклюзив тарзда сингдирилмоқда.

Айни вақтда ҳар бир маҳаллада ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, ўзара қўллаб-қувватлаш ривожланаётгани, тотувлик муҳитининг барқарорлашаётгани, бир сўз билан айтганда, ижобий ўзгаришлар ёппасига юз бераётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Дунё миқёсида Президентимизнинг оқилона ва халқчил сиёсати барча мамлакатлар раҳбарлари учун ибрат, намуна сифатида эътироф этилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг сиёсий лидерлик фазилатлари Ўзбекистон имижини дунё мамлакатлари орасида кўтариш билан бирга, мустақиллигимизни янада мустақкамлаётгани ҳам айни ҳақиқатдир. Мустақиллик мамлакат раҳбаридан, ва албатта, оиласи, яқинлари, Ватанини севган ҳар биримиздан куч олади.

ORAMIZDAGI ODAMLAR

ХОКИСОР ЗАМОНДОШИМИЗ ҚУЗУРИДА



(мархум) ҳамда Юсуп Зияевнинг борлигидан, албатта, ғурурланамиз.

Табиятда тўрт фасл мужжасам: баҳор – уйғониш, ёз – жўшқинлик, куз – ранг-баранглик ва қиш – сокинлик тимсоли. Орамизда шундай инсонлар борки, уларнинг сурати-ю сийратиди баркамоллик фасли намоён. Сермазмун умри ва ибратли ҳаёти эса мактаб бўлгулик.
Сурхон элининг асл дилбанди, Ўзбекистон Қаҳрамони Юсуп Зияев ҳам ана шундай юртдошларимиз сирасидан. Ҳар сўзида ҳикмат, ҳар бир мулоҳазасида ўғит мужжасам замондошимиз яқинда 67 ёшни қарши олди.

“Дунётепа” маҳалласидаги чоғроққина ҳовли. Остона ҳатлаб кирар экансиз, саранжом-сарашталлик ва ўзгача тароватдан завқ оласиз. Бир тарафда ёқимли ифор таратаётган турфа гуллар, сўл томондаги томорқада экин-тикин қилинган. Эллик тупдан ортиқ мевали дарахтлар соя солиб турибди.

– Келинлар, келинлар, меҳмонлар, – дейди Юсуп ака очик чеҳра билан қарши оларкан. – Қани, марҳамат.

– Суягимиз меҳнатда қотган, – гап бошлайди қаҳрамонимиз айвондаги супадан жой олишимиз билан. – Ота-боболаримиз чорва боқиб, деҳқончилик қилган. Ҳалол меҳнат ортидан ўғил-қиз ўстирдик. Ўқитувчи, шифокор, муҳандис ва бошқа касб эгалари бор сулоламизда. Рўзгорлари обод, турмуши фаровон, бизнинг кўнгил хотиржам. Ингирмадан ортиқ набира қуршовида қариллик гаштини суряпмиз. Барига ва бориға шукр.

Биласизларми, пенсияга чиққандан кейин нима қиламан, деб кўп ўйлардим. Йўқ, излаган ва интилган кам бўлмас экан. Бўш вақтнинг ўзи йўқ, денг. Фарзанд ва набираларга қарашаман. Урни келганда, йўл-йўриқ кўрсатиб, маслаҳат бераман уларга.

...Одам барибир жамоаси ва жамоадошларини соғинаркан. Дийдор ғанимат, деганларидек доим уларни кўмсайман. Кўнгил талпинади. Қарийб 35 йил бир жамоада – Ўзбекистон темир йўллари компаниясининг 166-йўл машина станциясида ишладим. Ҳаётимнинг қувончли ва ташвишли давлари бевосита темирйўлчилар билан боғлиқ. Озми-кўпми хизматим бор экан, шогирдлар тез-тез йўқлаб туради. Байрам ва тўйларга таклиф қилишади. Хурсанд бўлиб кетаман шунда.

ШОН-ШАРАФ МАСЪУЛИЯТИ
Шаҳло ҚОДИРОВА, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси:
– Темир йўллар, шубҳасиз, мамлакатлар-

нинг асосий транспорт воситаси ҳисобланади. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ тизимни ислоҳ қилиш ва янги босқичга кўтариш борасида туб ислохотлар бошланганди. 2001 йилда дастлаб “Учкудук-Мискин-Султон-Увайстог” темир йўли фойдаланишга топширилган бўлса, кейинги бунёдкорликлар жанубий воҳаларни ривожлантиришга қаратилди.

Умумий қиймати 447 миллион АҚШ долларини ташкил этган “Тошгузар-Бойсун-Кумқўрғон” темир йўли 2007 йилда фойдаланишга топширилди.

Улкан ва оламшумул бунёдкорлик ишларида замондошимиз, юртдошимиз ва партиядошимиз Юсуп Зияев ҳам фидойилик кўрсатди. Бундай эзгу ва хайрли амаллар нафақат Қашқадарё ва Сурхондарё элининг бугунги кунини, балки келажакка ҳам мустаҳкам пойдевор яратди, десам асло муболага қилмаган бўламан.

Биринчидан, “аср қурилиши” иш бошлаши билан Ўзбекистон темир йўллари мустақил бўлди. Ортиқча тўловларга барҳам берилиб, сарсонгарчиликларга чек қўйилди. Иккинчидан, ер усти ва ер ости конларини ўзлаштиришда қулайлик яратилди. Жанубий воҳалар инфратузилмаси тўбдан яхшиланиб, завод ва фабрикалар иш бошлади. Замонавий турар жойлар, кўркам иншоотлар, ажойиб мажмуалар қад ростлади. Юзлаб ишлаб чиқариш объектиларида минглаб янги иш ўринлари вужудга келди.

Воҳадошимизнинг “Учкудук-Мискин-Султон-Увайстог”, “Тошкент-Самарқанд”, “Тошкент-Поп-Андиджон” темир йўли қурилишларида муносиб ҳисса қўшганини ҳам яхши биламан. “Термиз-Термиз-2”, “Термиз порти”, “Денов”, “Ғалаба-Амузан”, “Сариосиё”, “Бактрия” ва бошқа йўналишларни бунёд этишда илғорлар сафида бўлган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунга қадар Сурхондарёдан 6 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони етишиб чиққан. Уларнинг 5 нафари деновлик бўлиб, партиядошларимиз – Ҳамза Маҳкамов

ХОТИРА МАНГУДИР

– Раҳматли Ҳамза Маҳкамов шогирдларимдан бири эди, – дейди суҳбатдошимиз Юсуп Зияев. – Уттиз йилдан ортиқ ҳамнафас ва ҳамқадам бўлганмиз. Одамхушлиги ва меҳрибонлиги билан ажралиб турган. Касбдошлари ва яқинларининг дилини ранжитганини кўрмаганман.

Шу ўринда бир воқеани айтиб берай... 2007 йилнинг ёзи эди. Ватанимиз Мустақиллигининг 16 йиллик тўйи арафаси. “Тошгузар-Бойсун-Кумқўрғон” темир йўлида иш қизигандан-қизиган паллалар. Тоғ ҳавоси иссиқ ва дим. Чор-атроф чанг-тўзон. Кўприксоз, ҳайдовчи, бургуловчи, қўйинги, Алпомишлар юртидаги ҳар бир баҳодир шикоат ва жасорат намуналарини кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Жанубдан қашқадарёликлар, шимолдан биз басма-бас пўлат из ётқизиб боряпмиз. Туташувга яқин қолганда тўстатдан қўшниларимизнинг техникаси тўхтаб қолди. Шунда Ҳамза “Биродарлар, қўшалоқ айём арафасида турибмоқда. Аждодларимиз асрлар давомида кутган орзулар рўёбини кўришга яқин қолди. Ишни баҳамжихат яқунлайлик”, деди. Ҳаммамиз энг шимариб, яна ишга тушдик. Хуллас, туннинг қоқ ярмида икки томоннинг темир йўли туташди. Сўнги пўлат из – “олтин халқа”ни ҳам шогирдимиз ётқизгани бугунгидек кўз ўнгимда.

ЯШАШ - ҲИКМАТ

– Ҳаётнинг ўзига хос қувонч ва ташвишлари бўлиши табиий. Тўғилиш – бахт бўлса, яшаш – ҳикмат, – дейди қаҳрамонимиз Юсуп ота.

2010 йилнинг ёз ойлари. 150 дан ортиқ мутахассислар қўшни Афғонистонда темир йўл қурилишини олиб боряпмиз. Август ойининг охирида зарур юмуш билан ватанга қайтдим. Қадрдон жамоадошлар билан дийдорлашдик. Кўчага чиққанимда ҳамкасб биродарларимдан бири кўнгирак қилиб, “Сизга хушхабар бор, сиз Ўзбекистон Қаҳрамони бўлдингиз”, деб суюнчи олди.

Уйга келганимда, аллақачон байрам бошланиб кетган экан. Яқин биродарлар, қўни-қўшнилар табриклашди.

Орадан бир муддат ўтиб, яна дарё орти мамлакатига йўл олдим. Саккиз ой давом этган қурилиш-бунёдкорликлар муваффақиятли адо этилди.

Яна бир гап айтишни? Болалагим ўтган аср-

нинг 65-70 йилларига тўғри келган. Турмуш кечирши нихоятда оғир эди. Чорва боқиш, далада ишлаш, пахтани сувлаш, пилла боқиш, хуллас, ота-оналарнинг дастёри бўлганмиз. Ишдан бўш вақтлардагина лой кечиб мактабга борардик. Пойдеворсиз ва лойсувоқ даргоҳ бизни қарши олган. Ёмғир суви ўтадиган синфхона, эски парта, омонатгина стул, синган доска, латта сумка ҳали-ҳамон кўз ўнгимда туради.

Бугунги ёшларга ҳавасим келади. Қанийди, бола бўлиб қолсам, деган ҳаёлга бериламан баъзан. Билим оламан, тадбиркорлик қиламан, спорт билан шуғулланаман, деган йигит-қизлар учун барча шароитлар муҳайё. Фақат изланиш, интилиш ва иштиёқ бўлса, бас.

Ҳар қадамда ривожланиш ва тараққиётни кузатиш мумкин. Янгилиниш, яратиш ва яшариш даврида яшаймиз.

Инсон ҳеч қачон ўтмишини унутмаслиги керак. Мозий ва кечаги кун бизга сабоқ бўлиши лозим. Шукрки, истиқлол туфайли қарамликдан қутулдик, ўзлимизни англадик. Қарангки, янги Ўзбекистон дунёга келяпти. Бунинг ҳар биримиз ҳар нафасда ва ҳар қадамда ҳис қиляпмиз. Кечагидан бугунимиз гўзаллашиб бормоқда. Бебаҳо неъматларнинг қадрига етиш ҳар биримиз учун қарз ва фарз бўлиши шарт.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ – УСТУВОР ВАЗИФА

Ҳолиқул БЕРДИЕВ,
«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ 166 – йўл-машина станциясининг меҳнатни мейёрлаш муҳандиси, ЎзХДП фаоли:

– Мамлакатимизда ХДПнинг 700 минг нафардан ортиқ аъзоларни бирлаштирган 11 мингдан ортиқ бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. 1 минг 600 нафарга яқин депутатларимиз иш олиб бормоқда. Ана шундай салоҳиятли сиёсий куч орасида жамоамиз вакилларининг борлиги қувонарли.

Маълумки, сиёсий кучнинг суянчи ва таянчини қўйи бўғинлар ташкил қилади. Бу борада жамоамиз томонидан талай ютуқлар қўлга киритилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Корхонада 250 нафардан зиёд киши меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг 30 дан ортигини партиядошларимиз ташкил қилади. “Шухрат” медални, “Меҳнат шухрати”, “Дўстлик” ва “Фидо-корона хизматлари учун” орденларига сазовор бўлганлар бор орамизда.

Ҳамкасбларимизни ижтимоий қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимизда. Жорий йилнинг ўтган даврида ўнга яқин пенсионер ва нурунийлар сихатгоҳларда хордиқ чиқардилар. Юртимизнинг муқаддас қадамжолари ва диққатга сазовор манзилларига саёҳатлар уюштириляпти. Саломатлигини тиклаш мақсадида тиббий кўриқлар ташкил этилмоқда. Шу билан бир қаторда моддий манфаатдорликни ошириш ҳам назаримиздан четда қолгани йўқ. Бу каби эзгу амалларни келгусида ҳам давом эттирилади.

Юсуп ака кўп йиллардан буён Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзоси ҳисобланади. Партиянинг дастурий мақсадларини амалга оширишда фаоллик кўрсатиб келмоқда. Элининг яхши-ёмон кунини камарбаста. Оддий машинистликдан қаҳрамонлик даражасига етган инсон сифатида кўпчилик ҳурмат қилади. Ана шундай инсонлар сафи кенгайверсин.

Ватан ишки билан яшаш ва мамлакат келажакка дахлдорлик ҳиссини туйиш инсонни юксакликка элтади. Қаҳрамонимиз билан хайрлашар эканмиз, унинг тимсолида ҳам ана шундай улғуворликлар мужжасамлигини ҳис қилдик.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

REKLAMA O'RNIDA

МАҚСАДИМИЗ ЭНГ ИЛҒОР, ИННОВАЦИОН БАНК БЎЛИШ



Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида “Бизнесни ривожлантириш банки” раҳбарияти, таркибий тузилмаларнинг масъул ходимлари иштирокида ИТ-лойиҳалар ва рақамли хизматлар мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда банкнинг стратегик ИТ лойиҳалари ва рақамли бизнес соҳасида кўрсатилаётган хизматлар ҳақида батафсил ахборот берилди.

– Банкнинг яқин келажакда ўз олдига мамлакатдаги энг илғор замонавий инновацион банк бўлишни мақсад қилган, – дейди

банк бошқарув раиси ўринбосари Ойбек Воҳидов. – Шунингдек, молия муассасамизнинг 2024-2026 йилларга мўлжалланган Стратегиясида белгиланган 250 та ташаббуснинг қарийб 72 таси бевосита ИТ-лойиҳалар ва рақамлаштиришга доир ташаббуслар ҳисобланади.



Бу йўналишдаги 28 та ташаббус шу йилнинг ўзида амалга оширилиши режалаштирилган.

Жумладан, бугунги кунда банкда ИТ лойиҳалари ва рақамли бизнес соҳасидаги тўрт, яъни, бизнес учун драйвер агент бўлиши, банк бизнес жараёнларини рақамлаштириш, технологик рақобатбардошликни ошириш, банк мижозлари ва ходимларини ИТ соҳасида малакасини ошириш йўналишларида зарурий ишлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, “Менинг бизнесим” электрон платформаси ишга туширилди. Унда 45 та касб-ҳунар йўналишида ўзини ўзи банд қилган фуқаролар “маркетплейс” орқали буюртмалар қабул қилмоқда. Бир ой давомида 2000 дан ортиқ фуқаролар рўйхатдан ўтди.

“Сбертех” мисолида банкнинг “БРБ-Тех” ИТ маркази ташкил этилди. Шу билан бирга, “Biznesportal.uz” платформаси ташкил этилиб, тадбиркорларга онлайн ўқиш, сертификат бериш, консалтинг хизматлар кўрсатиш ва кредит ажратиш имкониятлари яратилди.

Матбуот анжуманида жорий йилда операциял бизнес модели тизими йўлга қўйилгани ҳамда халқаро стандартларга мос кредит конвейери – андеррайтинг, скоринг тизимлари яратилгани тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Эътиборли жиҳати, банк томонидан мижозларга хизмат кўрсатишнинг янги замонавий сифат стандартлари жорий қилиниб, “CRM-ягона ойна” ишга туширилди. Натижада, банк даромадлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 17 фоизга ошган.

Маълумотларга қўра, банкнинг сайти янгидан яратилиб, сотув каналига айлантирилган. Ушбу сайтга ташрифлар йил бошига нисбатан 223 фоизга ошиб, ойига 70 мингга етган. Қолаверса, банкнинг мобил илова хизмат сифати яхшилангани боис, йил бошига нисбатан мижозлар сони 102 минггага ортиб, ҳозирда 322 мингдан ортиқ фуқаролар мобил илованинг актив фойдаланувчилари ҳисобланади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.



HAMKORIMIZ

СУВ – ҲАЁТ МАНБАИ



Аҳмад СУВАНҚУЛОВ,
"Ўзсувтаъминот" АЖ бошқаруви
раиси в.б:

— Мамлакатимизда сўнгги йилларда ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизматлари билан таъминланганлик қамровини ошириш, шу тариқа аҳолига муносиб турмуш шароитларини яратиш мақсадида олиб борилаётган ишлар янги босқичга чиқди. Хусусан, 2016 йилда юртимиз бўйлаб 37 минг аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланган ва 47 минг нафар истеъмолчининг ичимлик суви таъминоти яшилган бўлса, сўнгги етти йилда тармоқни ривожлантириш учун 20 трлн сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

Ушбу маблағ ҳисобидан 2 минг 916 та сув иншооти ва 42,8 минг км узунликда ичимлик суви тармоқлари тортилди. Натижада республика аҳолисининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси ўтган йили 77,2 фоизга етказил-

ди. Мазкур давр мобайнида 8 миллион нафар аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланди.

Худудларда, айниқса, узоқ йиллар давомида эътибордан четда қолиб келган аҳоли манзилларида ичимлик суви билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш мақсадида йирик лойиҳаларга қўл урилди. Мисол учун, «Тўпаланг» сув омбори манбалари ҳисобига ичимлик сув таъминотини яхшилаш лойиҳаси доирасида 1,4 триллион сўм ҳисобига 147 км тармоқ тортилди ва қурилиш ва қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ушбу машаққатли меҳнат натижаси ўлароқ Сарийосиё, Денов, Шўрчи, Қумқўрғон туманларининг 273 та маҳалласида истиқомат қилувчи 1,1 миллион нафар аҳолининг (вилоят аҳолисининг 40 фоизи) ичимлик суви таъминоти сифати тубдан яшилди.

“Зарафшон дарёси сувидан фойдаланиш ҳисобига Жиззах вилоятини ичимлик суви таъминотини яхшилаш” лойиҳаси доирасида эса Дўстлик, Пахтакор, Мирзачўл туманлари ва Жиззах шаҳридаги 286 минг нафар аҳоли сувсизлик муаммосидан халос бўлди. Шунингдек, марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси энг паст бўлиб келган Қашқадарёда ҳам сўнгги пайтларда бу йўналишда сезиларли натижаларга эришилмоқда. Жумладан, «Оқсув-Дехқонобод» лойиҳаси асосида Дехқонобод туманида яшовчи 76 минг нафар аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланиб, туманнинг таъминланиш даражаси 1,8 фоиздан 51,7 фоизга кўтарилди.

Халқаро молия институтлари иштирокида рўёбга чиқарилаётган энг йирик лойиҳалардан яна бири Тошкент вилояти шаҳар ва туманларининг ичимлик сув тизимларини реконструкция қилиш билан боғлиқдир. Мазкур лойиҳа бўйича Қибрай, Тошкент ва Зангиота туманларида аҳолининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича «Қодиря» сув иншооти қайта таъмирланди. “Бухоро вилоятининг Олот ва Қорақўл туманларини ичимлик суви билан таъминлаш” лойиҳаси эса аҳолининг обихаёт билан таъминланганлик даражаси Олот туманида 98,5 фоизга, Қорақўл туманида 97,4 фоизга етишига туртки берди.

Шу билан бирга соҳада хизмат кўрсатиш сифати ҳам замон талабларига уйғун



равишда ривожланиб бормоқда. Ўтган қисқа даврда сув иншоотлари, магистраль сув тармоқлари, маҳалла ва кўча бошларига 4,5 мингта замонавий сув ҳисоблагичлар ўрнатилгани, ичимлик ва оқова сув хизматларини ҳисобга олиш ҳамда назорат қилишнинг автоматлаштирилган “Узватер” ягона биллинг тизими ишга туширилгани бунинг далили.

Янги биллинг тизими орқали ҳисоб-ки-тобларнинг ҳаққонийлиги ва шаффофлиги таъминланди. Мазкур биллинг тизими барча зарур маълумотлар базалари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Кадастр агентлиги, Марказий банк, тижорат банклари, барча тўлов тизимлари, нотариал идоралар, “Рақамли Тошкент” геоахборот тизими, шунингдек, давлат реестридан ўтган сув ҳисоблагичлари ишлаб чиқарувчилари билан интеграция қилинган.

Бундан ташқари, истеъмолчилар учун такомиллаштирилган шахсий кабинет жорий этилди. Бу эса истеъмолчиларга тўловлар ҳисоботини ойлар, йиллар кесимида кўриб бориш, тўловни осон ва қулай амалга ошириш, ҳисоблагич кўрсаткичлари маълумотларини киритиш каби жуда катта имкониятларни тақдим этади.

Бугунги кунгача Тошкент вилоятининг Чирчиқ, Нурафшон ва Оҳангарон шаҳарларида тўлик, Сирдарё вилоятининг Гулистон ва Янгиер шаҳарларида қисман геоахборот тизимлари базаси яратилган бўлса, Наманган ва Хоразм вилоятларида ҳам бу борадаги ишлар давом этмоқда.

Ҳозирги пайтда республикаимизда 38 та йирик сув иншоотлари рақамлаштирилган бўлиб, сув сифати ва хавфсизлиги мониторинги учун “ВАТЕР ЛАБ” ахборот тизими жорий этилиб, тестдан ўтмоқда. Бунда ичимлик сув сифатини назорат қилиш имконияти сезиларли даражада кенгайди. Мавжуд лабораториялар тўлик рақамлаштирилиб, ҳисоботлари электрон тарзда юритилади.

Жорий йил Инвестиция дастурига асосан соҳа ривожини учун 1 триллион 223 миллиард сўм маблағ ажратилган. Йил якуни билан жами 1,3 миллион аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланиши, минглаб хонадонларда сув таъминоти узилишларига барҳам берилиши кутилмоқда. Умуман олганда, аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 80,9 фоизга етказилиши режалаштирилган. Бу тизимда яхши ўзгаришларга замин яради. Одамларни рози қилишдек эзгулик йўлидаги тизимли ишлар бардавонлигини кўрсатади.

O'ZSUVTAMINOT
AKSIYADORLIK JAMIYATI

“ЎЗСУВТАЪМИНОТ”

акциядорлик жамияти жамоаси

Ўзбекистон халқини ҳамда сув таъминот тизимида фаолият олиб бораётган соҳа ходимларини қутлуғ сана — **МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 33 ЙИЛЛИГИ** билан самимий муборакбод этади!

Истиқлолимизни мустаҳкамлашдек эзгу ишларингизда улкан зафарлар тилайди!
Ўзбекистонимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

КАСБИДАН ЭЪЗОЗ ТОПГАН ИНСОН

**ХАЛҚИМИЗНИНГ УЗОҒИНИ ЯҚИН,
ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШДА, ҚОЛАВЕРСА,
ҚУЛАЙ ВА ХАВФСИЗ ТРАНСПОРТ
ТУРЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА ТЕМИР
ЙЎЛНИНГ ЎРНИ МУҲИМ. МАМЛАКАТИМИЗДА
ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХИЗМАТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА ТЕМИР ЙЎЛ
СОҲАСИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР
ҚАРАТИЛАЁТГАНИ, ЮК ВА ЙЎЛОВЧИ
ТАШИШ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ, УЛАРНИНГ
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ,
МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИ ВА КАДРЛАР
САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ИЗЧИЛ ОЛИБ
БОРИЛАЁТГАНИ ДИҚҚАТГА МОЛИҚДИР.**



— Мамлакатимизда бугунги кунда амалга оширилаётган барча ислохотлар марказига “Инсон кадри учун” деган эзгу тамойилнинг қўйилаётгани зиммамизга катта масъулият юклайди, — дейди “O'ztemiryo'lyo'lovchi” акциядорлик жамияти Бош директори Шарофиддин Қодиров. — Юртимизда темир йўл тармоқларининг кенгайиб бораётгани барча ҳудудларимизни ўзaro мутаносиб ривожлантириш билан бирга йўловчи ташиш ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам янги-янги имкониятлар очмоқда. Аниқ рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, бу борадаги ишларнинг салмоғи яққол намоён бўлади. Хусусан, 2023 йилнинг июнь ойидан декабрь ойига қадар “O'ztemiryo'lyo'lovchi” акциядорлик жамияти йўловчи айланмаси ҳажми 1,57 млрд йўловчи-кмни ташкил этган бўлиб, 2022 йилнинг ҳисобот даврига нисбатан 400 млн йўловчи-кмга (111 фоизга ошган) кўп бажарилган.

2024 йилнинг январь ойидан июнь ойига қадар жамият йўловчи айланмаси ҳажми эса 1,65 млрд йўловчи-кмга етди. 2023-2024 йил давомида жамиятнинг даромадлари 130 фоизга ошиб, харажатлари 125 фоизга камайди. Айтиш ўринлики, ушбу ютуқларда ўзининг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти билан мамлакатимиз темир йўл соҳаси ривожига катта ҳисса қўшаётган “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг кўп миллатли ва аҳил жамоасининг муносиб хизмати бор.

Темир йўллар мамлакатнинг ҳаётбахш қон томирларидан бири эканини инobatга олсак, ушбу соҳа ривожига йўлида қилинаётган ишларнинг Янги Ўзбекистон тараққиёти учун нечоғлик ҳал қилувчи ўрин тутганини англаш мумкин. Ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг транзит салоҳияти ва нуфузи ортиб бораётгани ҳам ана шу ислохотлар самарасидир.

— Ватанимиз мустақиллигининг 33 йиллик байрами арафасида турибмиз, — дея давом этади суҳбатдошимиз. — Мана шундай улғу шодиёна кунларда орта назар ташлаб, босиб ўтилган йўл ва эришилган ютуқларга ҳам эътибор қаратсак, назаримда, яхши бўлади. Юқорида айтиб ўтилган кўрсаткичларга эришиш ҳамда йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишни тизимли ташкил этиш учун жамиятимиз томонидан 2023 йилнинг июнь ойидан 2024 йилнинг июнь ойига қадар бир қатор истиқболли лойиҳалар амалиётга татбиқ қилинди. Миллий банк

томонидан ажратилган 150 млрд сўм миқдоридаги имтиёзли кредитлар эвазига 24 та янги замонавий турдаги йўловчи вагонлар харид қилинди. Йўловчи вагонлар парки тўлдирилиши натижасида узоқ йўналишларда ҳаракатланувчи Тошкент, Нукус, Қўнғирот, Урганч ва Хива йўналишидаги йўловчи поездлар таркибидаги вагонлар сони 14 тадан 22 тага етказилди. Натижада ойига қўшимча 38 минг нафар йўловчи ташишга ва кунига 1,2 – 1,5 млрд сўм, ўтган бир йилда эса 140 млрд сўм қўшимча даромад

йўналишни қайта тиклаш жорий йилдаги муҳим вазифалардан бири бўлганини мамнуният билан таъкидлади.

— Қатновлар 2020 йилда коронавирус пандемияси туфайли тўхтатилган эди, — дейди Ш. Қодиров. — Қарангки, байрам шуқуҳи кезиб юрган шу кунларда бу вазифанинг амалдаги рўёбини халқимизга катта мамнуният билан етказишга муваффақ бўлдик. Тошкент — Москва йўналиши бўйича биринчи поезд 24 сентябрда, Москва — Тошкент йўналишидаги биринчи поезд



олишга эришилди. Ушбу жараёнда ҳудудлараро йўловчи ташиш поездлари қатновини ҳам ошириб боришга эътибор беряпмиз. Масалан, кейинги бир йил ичида “Тошкент — Саросиё — Тошкент” йўналишида 15 та вагондан ташкил топган алоҳида йўловчи поезд қатнови йўлга қўйилди, “Қўнғирот — Андижон — Қўнғирот”, “Андижон — Термиз — Андижон” йўналишларидаги йўловчи поездлар сони биттага кўпайтирилди. “Андижон — Хонобод — Андижон”, “Наманган — Чодак — Наманган” йўналишларида шаҳар атрофи йўловчи поездлари қатнай бошлади.

Бу борадаги ишларни бундан кейин ҳам режа билан давом эттираемиз. Умуман олганда, 2024 йилнинг охирига қадар яна 28 та ҳамда 2025 йилда 35 та янги йўловчи вагон харид қилиш белгиланган бўлиб, буларнинг барчаси пировардида хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаб бориш имконини беради.

Кун кеча оммавий ахборот воситаларида 2024 йил 24 сентябрдан “Тошкент — Москва — Тошкент” йўналишида қатновлар йўлга қўйилиши ҳақида хабарлар эълон қилинди. Бу янгиликни кўпчилик катта қувонч билан кутиб олганини тасаввур қилиш мумкин. Суҳбатимиз давомида Шарофиддин Қодировга шу ҳақида сўз очганимизда, бу



эса 28 сентябрь куни йўлга чиқади. Ҳар икки йўналишдаги режалаштирилган навбатдаги қатновлар бўйича ҳам маълумот бериб бораемиз. Йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида чипталарни “Ўзбекистон темир йўллари” сайти орқали харид қилиш имконияти йўлга қўйилган. Чипталарни олдиндан сотиб олишда чегирма берилди. Масалан, поезд жўнашидан 41-45 кун олдин сотиб олинса, асосий нархнинг 35 фоизи миқдоридаги энг катта чегирмага эга бўлиш мумкин.

Суҳбатдошимизнинг айтишича, соҳада рақамлаштириш жараёнини жадаллаштириш ва электрон чипта сотиш тизимини такомиллаштириш сайъ-ҳаракатлари ҳам мунтазамлик касб этган. Йўловчиларга йўл давомида қўшимча сервис

» **Кейинги бир йил ичида “Тошкент — Саросиё — Тошкент” йўналишида 15 та вагондан ташкил топган алоҳида йўловчи поезд қатнови йўлга қўйилди, “Қўнғирот — Андижон — Қўнғирот”, “Андижон — Термиз — Андижон” йўналишларидаги йўловчи поездлар сони биттага кўпайтирилди. “Андижон — Хонобод — Андижон”, “Наманган — Чодак — Наманган” йўналишларида шаҳар атрофи йўловчи поездлари қатнай бошлади.**

та йўловчи вагон совутиш тизимлари билан жиҳозланди. 2024 йилнинг якунигача совутиш тизимлари билан жиҳозланган йўловчи вагонлар сони 220 тага етказилади. Кўрсатилаётган хизматни янада такомиллаштириш мақсадида соҳага давлат-хусусий шериклик тамойили ҳам жорий қилинмоқда. Тошкент-Марказий, Самарқанд ҳамда Қўқон темир йўл вокзалларига инвесторларни жалб қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилган. Шунингдек, барча темир йўл вокзалларида мавжуд бўлган бўш ҳудудлар ўрганиб чиқилиб, аукцион орқали тадбиркорларга ижарага берилмоқда. Бугунги кунга қадар 135 нафар тадбиркор билан шарномалар имзоланган бўлиб, бу борадаги ишлар бундан кейин ҳам давом этади.

Темирйўлчилик ғоят масъулиятли, шу билан бирга шарафли касб. Айниқса, кейинги йилларда бу касбнинг нуфузи янада ортмоқда, десак, янглишмаган бўлаемиз. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ҳар йили Темир йўл транспорти ходимлари куни кенг нишонлини ҳам соҳа ходимларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг намунасиدير.

— Давлатимиз раҳбари томонидан соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли мамлакатимизда аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг талаб ва эҳтиёжларини таъминлайдиган замонавий темир йўл тизими барпо этилиб, кечаю кундуз самарали фаолият кўрсатмоқда, — дейди Шарофиддин Қодиров. — Ушбу тизим ривожига кичик бўлса-да, ҳиссамни қўшаётганимдан хурсандман. Темирйўлчилик ҳаётимнинг бир қисмига айланган. 40 йилдан ортиқ вақт давомида Тошкент — Москва йўналишида вагон кузатувчи бригадир бўлиб ишлаган отамни биринчи устозим, деб биламан. Бугунги кунда оилавий темирйўлчилар сулоламиз бор. Устозим Ачилбой Раматовдан жуда кўп нарсаларни ўрганиб, соҳага татбиқ этиб келяпман. Тошпўлат Матибаев, Фаррух Дадабаев ҳам доимо билганларини ўргатиб боради. Бунинг учун улардан жуда миннатдорман.

Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни энг улғу, энг азиз байрам — Мустақиллик айёми билан муборакбод этаман. Юртимиз тинч бўлсин, элу юртимизда тўй-тантаналар ҳукм сурсин.

**Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист.**

ХИВА ШАҲАР МИНТАҚАВИЙ ЙЎЛЛАРДАН Фойдаланиш Корхонаси жамоаси

халқимизни ва соҳа ходимларини

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ

33 йиллиги билан қутлайди.

Она Ватанимиз мустақиллигини
янада мустаҳкамлашдек эзгу
ҳаракатларингизда зафарлар ёр
бўлишини тилайди!



“УРГАНЧ ЕВРО ТЕМИР БЕТОН”

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

*республикаимиз аҳолиси
ва меҳмонларини энг улуғ,
энг азиз байрамимиз —
Мустақиллигимизнинг 33
йиллиги билан табриклайди!*

**Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.
Барча эзгу ишларингизда муваффақиятлар,
омад ва барака тилайди.**

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!





“AGROBANK” ATB жамоаси

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз Истиқлолимизнинг 33 йиллик шодиёнаси билан барча юрtdошларимизни, шунингдек, банк ва молия соҳасида меҳнат қилаётган барча ишчи-ходимларни самимий муборакбод этади!

Серқуёш диёримиз ҳамиша тинч ва осуда, дастурхонларимиз тўкин, турмушимиз фаровон, осмонимиз мусаффо бўлсин!
Қалblаримизни шукроналик туйғулари асло тарк этмасин!



“O'ZSUVTA'MINOT” AJ

“XORAZM SUV TA'MINOTI”

акциядорлик жамияти жамоаси

озод ва обод Ватанимиз тараққиёти йўлида шижоат кўрсатиб меҳнат қилаётган барча юрtdошларимизни мамлакатимиз

Мустақиллигининг 33 йиллиги билан муборакбод этади!




Сиз, азизларга тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, Ватанимиз ободлиги йўлидаги барча эзгу ишларингизда омадлар тилайди.



“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ ЖАМОАСИ

Халқимизни ва жамият тизимидаги барча ходимларни энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Истиқлолимизнинг 33 йиллиги билан самимий муборакбод этади. Она Ватанимиз Мустақиллигини мустаҳкамлашдек эзгу ишларингизда улкан зафарлар тилайди! Жонажон юртимиз ҳамيشа тинч бўлиб, қалбларимизни ҳеч қачон шукроналик туйғуси тарк этмасин!





**Халқ банки юрtdошларимизни
Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 33 йиллиги
билан табриклайди**

**Хонадонингизга файзу барака тилаб,
"Premium" омонатини таклиф қиламиз.**

**Омонатни  хазна иловасида расмийлаштиринг
ва 18 ой давомида мунтазам
даромадга эга бўлинг!**

 **хазна**
юклаб олиш учун



ХОРАЗМ ВИЛОЯТ МАДАНИЯТ БОШҚАРМАСИ жамоаси

*Энг улуғ, энг азиз байрамимиз —
Истиқлолимизнинг 33 йиллик шодиёнаси билан
барча юртдошларимизни ҳамда маданият
соҳасида меҳнат қилаётган ходимларни самимий
табриклайди.*



**Мустақил Ватанимизнинг тинчлиги, гуллаб-яшнаши ва равнақи учун
қилаётган хизматларингизда омад тилайди.**

Хоразм вилояти Хива туманидаги

“МУҲАММАД САВДО ҚУРИЛИШ”

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

юртдошларимизни бугунги шукуҳли кунларда
Мустақиллигимизнинг 33 йиллик шодиёнаси
билан самимий табриклайди.

**Жонажон Ўзбекистонимиз янада обод,
халқимиз ҳаёти бундан-да фаровон бўлсин.**



ИСТИҚЛОЛНИНГ 33 ЙИЛЛИГИ ИНШОТЛАРИ



Tashkent City Mall savdo-
kўngilochar markazi



Урганч шаҳридаги "Khorezm Insulation Group"
қўшма корхонаси



Жиззах шаҳрида барпо этилган
Киберспорт аренаси



Яккасарой туманида бунёд
этилган сув спорти саройи



Қўқон аэропорти



Бухоро вилоятидаги Enpipe
корхонаси



Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий
маркази Қорақалпоғистон филиали

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV Muslihidin MUHIDDINOV
Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA
Maqsuda VORISOVA Toshtemir XUDOYQULOV
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta o'set usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 8 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**
Sahifalovchi: **Bezkod ABDUNAZAROV**

Г — 837. 3311 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni —

Topshirilgan vaqti —

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.